O'ZLIDEP

# XXI asr

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

17-iyun 2023-yil 25 (1023) www.21asr.uz @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi xxi_asr@mail.ru asr_xabarlari_news

2023 ЙИЛ 9 ИЮЛЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ




# ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД – ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ

**Муҳтарам ватандошлар!**

Ўзбекистон ўтган даврда катта ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Бу вақтда **бутун жамият, одамлар ҳаёти тубдан ўзгарди,** қўлга киритилган улкан ютуқлар Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига чексиз фахр ва ифтихор бағишлайди. Энг муҳими, халқимиз ютуқ ва муваффақиятларни ўз ҳаётида сезмоқда.

**Бошланган ислоҳотларга ортга қайтмайдиган, муқаррар тус бериш ва уларни ҳуқуқий кафолатлаш** мақсадида 2023 йил 30 апрелда **янги таҳрирдаги Конституция** қабул қилинди. **Асосий Қонунимиз –** халқимиз барпо этаётган **Янги Ўзбекистон**нинг буюк пойдевори бўлиб хизмат қилади ва келажакдаги ислоҳотларнинг стратегик йўналишларини белгилаб беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси йилига **2 фоизга** ўсмоқда. **2030 йилга** бориб прогнозларга кўра **40 миллионга** етади. Бундай катта давлатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халққа муносиб шароит яратиш учун **иқтисодиёт ҳам, бошқарув ҳам, таълим ва тиббиёт ҳам янгича бўлиши, барча соҳаларда ўсиш, ривожланиш бўлиши** керак.

Шу маънода, **Янги Ўзбекистон, бу** – аввало инсон қадри улуғланган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имкониятлар яратилган мамлакатдир.

**Янги Ўзбекистон, бу** – соғлом, билимли ва маънавий баркамол инсонлар юртидир.

**Янги Ўзбекистон, бу** – глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланган, кучли иқтисодиётга эга бўлган давлатдир.

**Янги Ўзбекистон, бу** – фуқаролар ва бизнес манфаатлари адолатли қонунлар асосида ҳимоя қилинадиган жамиятдир.

**Янги Ўзбекистон, бу** – ватандошларимизни мамлакатимизда ва хорижда ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қила оладиган, чегаралари ишончли қўриқланадиган, хавфсиз ва барқарор давлатдир.

Эркин ва фаровон, қудратли давлатни қуришда **бешта стратегик йўналиш** яқин келажакдаги фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин тутади ва кўп миллатли халқимизнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

*Давоми 3-, 4-саҳифаларда.* ▶▶

# КЕЛГУСИ ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МЕГА-ЛОЙИҲАЛАР

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 14 ИЮНЬ КУНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

*Тадбирни номзоднинг ушбу вилоятдаги ишончли вакили Ўктамжон Ахунов кириш сўзи билан очди ва сўнгги олти ярим йилда Андижонда амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги, аҳоли фаровонлиги, иқтисодиёт тармоқлари ривожи ҳақида мулоҳаза юритди. Хусусан, ушбу давр мобайнида ялпи ҳудудий маҳсулот 1,5 марта ўсиб, 54 триллион сўмдан, аҳоли жон бошига 15 миллион сўмдан ошганини таъкидлади.*

Саноат тармоқларида **9** мингга яқин янги корхона ташкил этилиб, ишлаб чиқариш ҳажми **2,5** марта кўпайган. Экспорт ҳажми **5** баробар ўсиб, **1** миллиард 200 миллион долларга етган. **472** та кўп қаватли уй барпо этилиб, **20** минг оиланинг турмуш шароити яхшиланган.

Учрашув давомида Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастури юзасидан атрофлича маъруза қилди. Унда, аввало, аҳоли саломатлигини сақлаш масаласига устувор аҳамият қаратилгани, келгуси етти йилда туман ва шаҳарларда **700** та янги поликлиника ташкил этилиши диққатга сазовор. Шунингдек, бирламчи бўғиндаги барча оилавий шифокорлик пунктлари, поликлиника ва шифохоналар таъмирланиб, фильтрланган ичимлик суви ва иссиқ сув билан тўлиқ таъминланади.

**– Гемодиализ бўлимлари сони 2 карра кўпайтирилиб, 200 тага етказилади,** – деди Шавкат Мирзиёев. **– Бу орқали барча туман ва шаҳарлар мазкур хизмат билан қамраб олинади. Ҳар йили 1 миллион аҳоли жигар циррозига олиб келувчи гепатит "Б" ва "С" бўйича скринингдан ўтказилиб, хасталикка чалинган беморлар тўлиқ давлат ҳисобидан даволанади.**

Барча туман ва шаҳарларда хусусий шериклик асосида МРТ ва МСКТ йўлга қўйилади. Бунинг учун **100** миллион доллар инвестиция йўналтирилади. Сертификати бор оилавий шифокорларнинг ойлик иш ҳақи **2** карра оширилади. Худди шу тартиб тиббиётнинг ҳақиқий фидойилари бўлган ҳамшираларга ҳам жорий қилинади.

Тиббиёт ходимларига кўп йиллар ишлаганлик учун тўланадиган устамалар миқдори ҳам оширилади. Тез тиббий ёрдам автомобиль парки келгуси етти йилда тўлиқ янгиланади ва уларнинг 50 фоизи электромобиллар билан тўлдирилади. Бу орқали ёнилғининг ўзидан йилига **200** миллиард сўм тежалади ва ушбу маблағлар тез тиббий ёрдам хизматларини ривожлантиришга сарфланади.

**– Андижонда 2030 йилга қадар 3 мингта кўп қаватли уй барпо этилиб, 100 минг оила янги уй-жойли бўлади,** – деди номзод. **– Бу мақсадлар учун келгуси етти йилда 30 триллион сўм йўналтирилади. 427 та маҳаллада 600 минг аҳоли марказлашган ичимлик сув билан таъминланади. Андижон, Хонобод ва Қорасув шаҳарлари, Қўрғонтепа, Жалақудуқ, Андижон, Асака ва Олтинкўл туманларидаги 510 минг аҳолининг сув таъминотини яхшилаш учун "Хонобод-Андижон" магистрал сув қувурининг иккинчи тармоғи қурилади. Бунга 35 миллион доллар инвестиция жалб қилинади. Умуман, вилоятда марказлашган ичимлик суви қамрови ҳозирги 87 фоиздан 97 фоизга етказилади.**

*Давоми 2-саҳифада.* ▶▶

# ТАДБИРКОРЛАР ХОТИРЖАМ БЎЛСИН, ҲЕЧ КИМ ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИЛМАЙДИ

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 15 июнь куни Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.*

Тадбирни номзоднинг ушбу вилоятдаги ишончли вакили Мавлуда Ходжаева кириш сўзи билан очди ва сўнгги олти ярим йилда Фарғонада амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги, аҳоли фаровонлиги, иқтисодиёт тармоқлари ривожи ҳақида мулоҳаза юритди.

Учрашувда номзод фарғоналик сайловчиларни ўзининг сайловолди дастури билан атрофлича таништирар экан, келгуси йилларга режалаштирилган истиқболли лойиҳалар ҳақида тўлиқ маълумот берди.

**– Фарғона вилоятида мактабгача таълимга бўлган эҳтиёж 100 фоизга қопланади. Бунинг учун 2 мингта янги давлат ва хусусий боғчалар ташкил этилади,** – деди Шавкат Мирзиёев. **– 2030 йилга қадар, замонавий мактаблар барпо этиш, мавжудларининг қувватини ошириш, хусусий секторни қўллаб-қуватлаш ҳисобига қўшимча 125 минг ўқувчи ўрни яратилади. Натижада мавжуд қувватларга нисбатан 2 баравар кўп ўқувчига эга бўлган 175 та мактаб юкламаси камайтирилади. Шу билан бирга, вилоятдаги 350 та мактаб тўлиқ таъмирланади, барча мактаблар замонавий компьютер синфлари билан жиҳозланади.**

Партиямиз электорат вакиллари билан мулоқотда номзод яқинда Қўқонда бўлган ёнғин ҳақида ҳам ўз муносабатини билдирди.

*Давоми 2-саҳифада.* ▶▶




## ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

www.21asr.uz
@XXIasr_yangiliklari
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
17-iyun 2023-yil 25 (1023)

# КЕЛГУСИ ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МЕГА-ЛОЙИҲАЛАР

◀◀*Бошланиши 1-саҳифада.*

Учрашувда Шавкат Мирзиёев тилга олган яна бир янгилик нафақат водийдаги сайловчилар, балки бутун мамлакатимиз аҳлини қувонтиргани рост. У ҳам бўлса, аҳолининг узоғини яқин қилиш мақсадида “Андижон – Фарғона – Қўқон – Наманган – Андижон” темир йўл ҳалқаси бўйлаб 4 та электропоездлар ҳаракати йўлга қўйилишидир. Мазкур бунёдкорлик натижасида кунига **8** та қатнов ташкил этилиб, **10** мингга яқин йўловчи ташилади. Шунингдек, Андижон халқаро аэропортини замонавий стандартлар асосида тўлиқ таъмирлашга **350** миллион доллар йўналтирилади.

**– Шу йил охиригача Жаҳон банки билан бирга “Тошкент – Андижон” муқобил пуллик автомобиль йўлини қуриш бўйича 2,5 миллиард долларлик мега-лойиҳа бошланади. Ушбу лойиҳа туфайли Андижондан Тошкент шаҳрига бориш вақти ҳозирги 5 соатдан 3 соатга қисқаради,** – деди номзод.

Очиқ мулоқотга айланган тадбирда Шавкат Мирзиёев таълимга оид қилинадиган ишлар хусусида ҳам тўхталди. Жумладан, келгуси йилларда боғча етарли бўлмаган **131** та маҳаллада **1,5** мингта давлат ва хусусий боғчалар барпо этилиши, **210** та боғчанинг қувватлари оширилишини таъкидлади. Натижада қўшимча **90** минг нафар болажонлар учун мактабгача таълим имконияти яратилиб, қамров **100** фоизга етказилади.

Мактаб мавжуд бўлмаган **25** та маҳаллада жами **20** минг ўринли янги мактаблар барпо этилади. Шунингдек, **150** та мактабда қўшимча ўқув бинолари қуриш ҳисобига **80** минг ўқувчи ўрни яратилади. Андижон давлат университетида **2** минг ўринли, Андижон чет тиллари институтида **1** минг ўринли, Андижон тиббиёт институтида **1** минг ўринли янги ўқув бинолари барпо этилади.

**– Илмга чанқоқ вилоят ёшлари учун 6 та янги олийгоҳ ташкил этилиб, уларда 30 дан ортиқ янги йўналишлар очилади. Булар ҳисобидан олий таълимда қамров ҳозирги 30 фоиздан 50 фоизга етказилади,** – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод автомобилсозликка оид маълумотлар билан ўртоқлашар экан, қуйидаги фикрларни билдирди.

**– Бир рақамга эътибор қилинг: Асака туманидаги саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари республиканинг 9 та вилояти саноатидан юқори. Биз автомобилсозлик саноатини янада ривожлантириш учун қўшимча 1 миллиард доллар инвестиция киритамиз. Бу орқали келгуси икки йилда автомобиль ишлаб чиқаришни ҳозирги 300 минг донадан 500 минг донага олиб чиқамиз.**

2030 йилга қадар эса йилига **1** миллион дона автомобиль ишлаб чиқаришга эришамиз. Шунингдек, Асакада **13** та корхона иштирокида йирик машинасозлик кластери ташкил этилмоқда.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев андижонлик сайловчилар эътиборини стратегик аҳамиятга эга бўлган яна бир йирик лойиҳага қаратди.

**– Хабарингиз бор, биз стратегик аҳамиятга эга бўлган “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой халқаро темир йўл қуриш мега-лойиҳаси”ни бошлаяпмиз,** – деди номзод. **– Ҳозирги кунда лойиҳанинг иқтисодий асослари тайёрланди. Йил якунигача ҳамкор давлатлар билан бирга қурилиш бўйича амалий қадамларни қўямиз. Бу лойиҳа андижонлик тадбиркорларнинг ҳам узоғини яқин қилиб, Хитой билан юк ташиш масофасини 1,2 минг километрга, муддатини эса 10 кунгача қисқартириш имконини беради.**

Учрашув сўнгида партия вакиллари ва таклиф этилган меҳмонлар сўзга чиқдилар. Улар сайловолди дастуридан ўрин олган ҳар бир ташаббус вилоят аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлаб, овоз беришга чақирдилар.

# ТАДБИРКОРЛАР ХОТИРЖАМ БЎЛСИН, ҲЕЧ КИМ ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИЛМАЙДИ

◀◀*Бошланиши 1-саҳифада.*

**– Бир масалага алоҳида тўхталиб ўтсам,** – деди Шавкат Мирзиёев. **– Шу ҳафтада Қўқондаги буюм бозорида содир бўлган ёнғин юзлаб тадбиркорларимизга зарар етказди. Тадбиркорларимиз хотиржам бўлсин, биз ҳеч кимни ўз ҳолига ташлаб қўймаймиз! Бу бозор узоғи билан бир ойда тўлиқ тиклаб берилади, бунга барча куч ва воситаларни сафарбар қиламиз. Ким қайси дўконда фаолият юритган бўлса, ўша ерда тадбиркорлигини давом эттиради. Ёнғиндан зарар кўрган барча тадбиркорларнинг кредит ва солиқ тўловлари муддати кечиктирилади. Уларнинг қайтадан “оёққа туриб олишлари” учун айланма маблағ учун имтиёзли кредитлар ажратилади.**

Шунингдек, учрашувда ёнғин оқибатида бозорга туташ ҳудудларда зарар кўрган аҳоли хонадонлари ҳам тўлиқ таъмирлаб берилиши маълум қилинди. Умуман, етакчи лойиҳа ташкилотларини жалб қилиб, бозорларни замонавий, қулай, барча хавфсизлик талабларига жавоб берадиган савдо комплексларига айлантириш бўйича катта дастур қабул қилиниши алоҳида таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш соҳасига эътибор янада кучайтирилиши, 2030 йилга қадар Фарғонада **100** дан ортиқ тиббиёт муассасалари қурилиши ва таъмирланиши айтиб ўтилди. Соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш орқали яна **300** дан зиёд хусусий клиника фаолияти йўлга қўйилади.

Вилоятдаги эндокринология, урология ва кардиология марказлари, шунингдек, кўп тармоқли шифохона ва тез тиббий ёрдам хизматини ўз ичига қамраб олган кластерни барпо этишга **150** миллион доллар йўналтирилади. Натижада ушбу кластер томонидан йилига **100** минг нафар беморга юқори малакали тиббий хизматлар кўрсатилиши таъминланади.

Бугунги кунда вилоятдаги онкологик касалликка чалинган 7 мингдан ортиқ беморлар нур терапиясини олиш учун пойтахтга ёки қўшни вилоятларга қатнашга мажбур бўлмоқда. Шу боис **10** миллион доллар сармоя эвазига “Нур терапия маркази” ишга туширилади.

Шунингдек, келгуси етти йилда вилоятда замонавий ва ҳамёнбоп уй-жойлар қуриш ҳажми 3 карра оширилиши ҳақида айтиб ўтилди.

**– Хабарингиз бор, Фарғона шаҳрида 300 гектар майдонда янги “Эко шаҳар” массивини барпо этишни бошлаганмиз,** – деди Шавкат Мирзиёев **фарғоналик сайловчилар билан учрашувда. – Ушбу ҳудуднинг тўртдан бир қисми ёки 70 гектарида “Янги Ўзбекистон боғи”, сунъий кўл ҳамда истироҳат боғи жойлашади. Бир сўз билан айтганда, бу шаҳарча одамларимиз яшаши учун қулай, хавфсиз ва баҳаво масканга айланади.**

Ушбу шаҳарчада **15** минг хонадонга мўлжалланган **300** та кўп қаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилади. Умуман олганда, келгуси етти йилда вилоятда **2,5** мингта кўп қаватли уйлар қурилиши ҳисобига **100** минг оила шинам уй-жойга эга бўлади. Бунга барча манбалар ҳисобидан **2,5** миллиард доллар йўналтирилади.

Учрашувда номзод Хитойнинг 900 миллион доллар инвестицияси ҳисобига Ўзбекистон ва Бешариқ туманларида **900** мегаваттли қуёш электр станциялари ишга туширилишига ҳам урғу берди. Вилоят аҳолисининг электр таъминотини яхшилаш мақсадида **8** минг километр тармоқ ва **2** мингта трансформатор янгиланади. Шунингдек, **10** минг километр йўллар ва **170** та кўприк таъмирланади. Бундан ташқари, **5** минг километр сув тармоқлари ва **900** та сув иншооти барпо этилади ва таъмирланади. Натижада 2030 йилга бориб, вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси **76** фоиздан **96** фоизга етказилади.

Шавкат Мирзиёевнинг Лола Муродова номидаги фермерлар мактабини ташкил этишга оид таклифи олқишлар билан кутиб олинди.

**– Албатта, вилоятнинг фидойи деҳқон ва фермерлари ҳақида гап кетганида, мана шу Олтиариқ фарзанди бўлган, Ўзбекистон Қаҳрамони, раҳматли Лола опа Муродовани эслаймиз,** – деди номзод. **– Илойим, руҳлари шод бўлсин! Бу заҳматкаш, олижаноб инсон ўзбек аёлларининг тимсоли эди. У кишини ҳаммамиз яхши кўрар, чуқур ҳурмат қилар эдик. Бутун ҳаётини эл-юрт равнақига, Фарғонани обод қилишга бағишлаган бу улуғ юртдошимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида вилоятда Лола Муродова номидаги фермерлар мактабини ташкил этсак, сизлар бу таклифга қандай қарайсизлар?**

**Залдаги сайловчилар ушбу таклифни бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Пировардида, бу мактабда нафақат Фарғона, балки барча ҳудудларимиздан келган фермерлар билим ва малака ошириши айни муддао экани қайд этилди.**

Шундан сўнг сайловолди дастурининг қишлоқ мулкдорларига ажратилган қисми янада кенгроқ тушунтирилди. Фермерлар ва кластерлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари кучайтирилиши тилга олинди. Жумладан, кластерлар ва фермерлар ўртасидаги шартнома муносабатлари тўлиқ қайта кўриб чиқилади, кластерлар томонидан фермерларга кўрсатилган қўшимча хизматлар улар билан ўзаро келишув асосида алоҳида ҳисоб-китоб қилинади. Бундан буён туманда режа бажарилмаяпти, чорва, парранда ёки балиқчиликка озуқа-ем керак, деган важлар билан фермерлар фаолиятига аралашишга қатъиян чек қўйилади.

**– Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими, ҳокимлар фермер ва кластерлар маҳсулотларига бозор топишга кўмаклашиш билан шуғулланади,** – деди Шавкат Мирзиёев. **– Қишлоқ хўжалигида кластерлар ва фермерларнинг ерини ҳақиқий бозор активига айлантириш бўйича янги тизим яратилади. Қисқача айтганда, ернинг ижара ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, ҳадя қилиш, кредит олишда гаров сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.**

Самимий учрашув ниҳоясида партия вакиллари ва таклиф этилган меҳмонлар сўзга чиқдилар. Улар сайловолди дастуридан ўрин олган ҳар бир ташаббус вилоят аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

# ЖУРНАЛИСТЛАР ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТЯПТИ

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 16 июнь куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашди.*

Тадбирни номзоднинг ушбу вилоятдаги ишончли вакили Икромхон Нажмиддинов кириш сўзи билан очди ва сўнгги олти ярим йилда Наманганда амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги, аҳоли фаровонлиги, иқтисодиёт тармоқларидаги ўзгаришлар ҳақида мулоҳаза юритди. У Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келаётгани, янгиликларни ҳар бир оила ўз ҳаётида ҳис қилаётганини таъкидлади.

Учрашувда номзод наманганлик сайловчиларни ўзининг сайловолди дастури билан атрофлича таништирар экан, келгуси йилларга режалаштирилган истиқболли лойиҳалар ҳақида тўлиқ маълумот берди.

**– Мамлакатимизга чет эл банкларини олиб кириш, янги хусусий банкларни очишни рағбатлантириш ҳамда депозитларни кенгайтириш ҳисобига кредитлар учун ресурс базаси кескин оширилади,** – деди Шавкат Мирзиёев. **– Наманганлик тадбиркорлар хусусий банк очиш ташаббуси билан чиқса, биз албатта уларни қўллаб-қувватлаймиз. Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг муқобил тизимлари жорий қилинади. Жумладан, Наманганда Ислом молиявий хизматларига кенг йўл очиб берилади.**

Сайловчилар билан мулоқотда аҳолини ўқитиб, уларни иш билан таъминлаган тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар берилиши, бундай тадбиркорларни рағбатлантириш учун **2030** йилга қадар яна **6** миллиард доллар маблағ ажратилиши айтиб ўтилди.

Шунингдек, ушбу тадбиркорлар камида **20** фоиз камбағал оила аъзосини бир йил давомида иш билан таъминлаганда мол-мулк ва ер солиқларидан озод қилинади, “Ижтимоий реестр”га киритилган фуқароларни ишга қабул қилса, ижтимоий солиқ ставкаси **2** бараварга камайтирилади, барча солиқларни бир йилгача кечиктириб тўлашлари мумкин бўлади.

Келгуси йилларда бизнес учун қўшилган қиймат, фойда, айланма ва мол-мулк солиқ ставкалари оширилмаслиги қатъий кафолатланади. Бундан буён ҳам тадбиркорлар ўз фаолиятини дадил кенгайтириши учун бизнесга ноқонуний аралашувларга тўлиқ барҳам бериш ва солиқ тизимини янада соддалаштириш ислоҳотларимизнинг асосий тамойили бўлиб қолади.

**– Қўшилган қиймат солиғини қайтариш шартлари 15 тадан 5 тага қисқартирилади,** – деди номзод. **– 107 та давлат хизмати бўйича тўловлар миқдори 2 баравар қисқартирилиб, 10 миллион сўмдан юқори солиқ санкциялари фақат суд тартибида амалга оширилади.**

Наманганнинг бирорта маҳалласида боғча муаммоси қолмаслиги ҳақидаги хабарни партия электорати вакиллари олқишлар билан кутиб олишди. Бунинг учун **235** та янги боғча қурилади ва таъмирланади, **1** мингдан зиёд хусусий боғча ташкил қилинади. Келгуси етти йилда қўшимча **100** минг янги ўқувчи ўрни яратилади. Бунда **28** та янги мактаб ва **232** та мактаб учун қўшимча бино қурилиб, **268** таси таъмирланади. Натижада Наманганддаги мактабларда **30** нафардан ортиқ бола ўқийдиган синфлар умуман бўлмайди. Вилоятдаги **11** та мактаб халқаро стандартлар асосида ихтисослашган мактабга айлантирилади.

Наманганда уй-жойлар қуриш ҳажми камида келгуси **7** йилда **10** марта оширилади. Хусусан, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож **34** минг оила ўз бошпанасига эга бўлади. Бунинг учун **1** минг **208** та кўп қаватли уй қурилади. Давлатобод туманида **50** минг хонадонга эга **721** та кўп қаватли тураржой мажмуаси барпо этилади.

**– Бундан ташқари, 3 минг 700 километр сув тармоқлари ва 371 та сув иншооти барпо этилади ва таъмирланади. Бу орқали 123 та маҳаллага (360 минг аҳоли) илк бор ичимлик сув олиб келинади,** – деди Шавкат Мирзиёев. **– Натижада 2030 йилга бориб вилоят аҳолисининг тоза ичимлик сув билан таъминланиш даражаси 90 фоизга етказилади.**

Учрашувда Наманган вилоятида транспорт тизимини яхшилашга оид режалар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди. Аҳоли ва сайёҳларга янада қулайлик яратиш мақсадида Уйчи тумани орқали Учқўрғон ва Норинни марказ билан боғлайдиган замонавий йўл қурилиши, Поп туманини Наманган шаҳри билан боғлайдиган электр поезди қатнови йўлга қўйилиши, Чуст ва Поп ҳудудидан ўтувчи 12 километрлик темир йўл тармоғи тортилишига урғу берилди. Энг муҳими, Поп-Наманган автомобиль йўлининг 75 километр қисми халқаро стандартлар асосида 4 тасмали цемент-бетон қопламали йўлга айлантирилади.

**– 2030 йилга қадар Поп ва Чустда 1 минг 200 мегаваттли 3 та қуёш электр станцияси ишга тушади,** – деди номзод. **– Шунингдек, Норин дарёсида 250 мегаваттли 1 та йирик ва 3 та кичик ГЭСлар ишга тушади. Бунинг ҳисобига йилига қўшимча 5 миллиард киловатт соат электр ишлаб чиқарилади. Бу – Наманганнинг йиллик электр энергияси истеъмолига тенг. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 6,5 минг километр тармоқ, 2 мингта трансформатор ва 12 та подстанция янгиланади. Барча ижтимоий ва давлат идоралари ҳамда 15 мингта хонадонга умумий қуввати 82 мегаватт бўлган қуёш панеллари ўрнатилади.**

Учқўрғоннинг Қирғизистон билан чегарасида йирик “Эркин савдо зона”си ташкил қилинади. Наманган халқаро аэропорти ташқи бошқарувга берилиб, бу ерда “CARGO” юк терминали иш бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига O‘zLiDeРдан номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёев наманганлик сайловчилар билан мулоқот давомида журналистлар фаолиятига юқори берар экан, оммавий ахборот воситалари жамиятни ҳам, амалдорларни ҳам тарбиялаётгани ҳақида гапирди.

**– Ижро органи раҳбари бирор қарор қабул қилишдан олдин илгари ҳеч нарса ўқимасди, ҳозир камида 10 марта ўқийди. Журналистлар менга қандай баҳо беради, блогерлар нима дейди, деган саволларни ўзига беряпти,** – деди Шавкат Мирзиёев. **– Оммавий ахборот воситалари вакиллари ислоҳотларимизга жуда катта ижобий таъсирини кўрсатяпти.**

Учрашувда партия вакиллари сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлашини таъкидлади ва бошқаларни ҳам шунга даъват этди.

**O‘zLiDeP матбуот хизмати**

# ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД – ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ

◀◀*Бошланиши 1-саҳифада.*

### I. ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ

Янги Ўзбекистон **ижтимоий давлат,** деб эълон қилинди. Хусусан, янгиланган Конституциямизда **давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари 3 баробар** кўпайтирилди.

Конституциявий қоида ва талаблардан келиб чиқиб, адолатли ижтимоий сиёсатни юритиш **– Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий омилларидан** бири этиб белгиланган. Шунинг учун, **таълим, тиббиёт ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш** бўйича давлат ўз мажбуриятларини бажариши учун бу йўналишдаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқамиз.

### 1.1. Таълим тизими ислоҳотлари

Янги Ўзбекистоннинг асосий устуни **– билим, таълим ва тарбия** бўлиши учун **зарур шароитларни** яратиш сиёсатимизнинг энг устувор йўналишларидан бири бўлади.

**Биринчидан, 2030 йилга қадар мактабгача таълимга** бўлган эҳтиёжни **тўлиқ қоплаб, қамровни 100 фоизга** етказиш ва боғчаларнинг **моддий-техник базасини** ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатларимизни сафарбар қиламиз.

Шу мақсадда **7 фоизлик** ставкада **10 йил муддатга** кредит бериш учун имкониятлар яратилиб, **ишлаб чиқариш корхоналари**нинг боғча қуришга сарф этиладиган харажатларини **солиқлардан тўла озод** қилиш тартиби ишлаб чиқилади.

**2030 йилга қадар** қўшимча **2 мингта** боғча қуриш чоралари кўрилади.

Эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун **боғча, шу жумладан хусусий боғча харажатларини** давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий этилади.

Болаларни эрта ёшдан бошлаб замонавий ахборот технологияларига ўргатиш мақсадида **ҳар бир боғчани компьютер синфи билан** таъминлаш юзасидан зарур ишлар амалга оширилади.

**Боғча ва мактабларни фильтрланган ичимлик сув** ҳамда **санитария-гигиена** инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Мактабгача таълим муассасаларида **оқсил, витамин ва минераллар** билан бойитилган **сут, йод билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари** берилиши йўлга қўйилади.

**Иккинчидан,** келгуси **етти** йилда мактабларда қўшимча **2,5 миллион ўқувчи ўрнини яратган ҳолда таълим сифатини тубдан яхшилашни устувор вазифаларимиздан бири сифатида кўрамиз.**

**Бу борада "Йилига 500 минг ўқувчи ўрни"** дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Хусусий таълим**га **қўшимча енгилликлар** яратилиб, **давлат-хусусий шериклик тамойили асосида мактаблар қуришга** алоҳида аҳамият берилади.

**Бошланғич синф ўқувчилари таълим планшетлари** билан тўлиқ таъминланади ва бунинг учун зарур молиявий имкониятлар яратилади.

Чекка ҳудудларда **бепул мактаб автобусларини** йўлга қўйиш имкониятларини кўрамиз.

**2030 йилгача** барча туман ва шаҳарларда **"Истеъдод – Интилиш – Истиқбол" номли** ихтисослаштирилган **мактаблар** ташкил этиш, уларда **Президент мактабларидан кам бўлмаган шароитларни** яратиш ёшларимиз учун янги имкониятларни очиб беради. Бу мактабларда **эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун 70 фоиз квота** ажратиш кўзда тутилади.

Келгуси етти йилда чет тилларини ўргатиш учун барча мактабларга **"тил эгалари" бўлган ўқитувчилар** жалб қилиниб, бу мақсадларга ҳар йили **200 миллиард сўм** маблағ ажратиш чоралари кўрилади.

**Учинчидан, олий таълим** ва **илм-фан тизимларини** илғор хорижий тажриба асосида ривожлантирамиз.

Дунёдаги **"Топ-500"**га кирадиган чет эл олийгоҳлари билан ҳамкорликда камида **50 та** қўшма ўқув дастури ва **"икки дипломли тизим"ни** жорий этиш асосий вазифа бўлади.

**Биотехнология, сунъий интеллект ва бошқа юқори технологик** йўналишларда **истеъдодли ёшларни** энг нуфузли хорижий олийгоҳларга **давлат ҳисобидан ўқишга юбориш бўйича 200 миллион долларлик дастурларни** амалга оширишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Келгуси етти йилда **илм-фан ва инновациялар**ни ривожлантиришга **1 миллиард доллар** ажратилиши учун молиявий имкониятлар янада кенгайтирилади.

**Маданият, санъат ва адабиёт вакиллари, маънавият соҳаси ходимлари, барча зиёлиларнинг** машаққатли ва шарафли меҳнатини **қадрлаш** ва **рағбатлантириш бўйича** қўшимча чоралар кўриб борилади.

### 1.2. Аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислоҳотлар

**Соғлом ва баркамол авлодни** вояга етказиш, аҳолини **тиббиёт тизимидан рози қилиш, ўртача умр давомийлигини** ҳозирги **73 ёшдан** келгусида **78 ёшга етказиш** бўйича барча имкониятларни ишга соламиз.

**Биринчидан,** аҳоли ўртасида **ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни барвақт аниқлаш** ва улар билан **касалланиш кўрсаткичларини кескин камайтириш** чораларини кўрамиз.

**2030 йилга қадар оналар** ва **болалар ўлими, болалар** ўртасидаги **ирсий касалликларни** камида **2 баробарга** қисқартириш, **онкологик, юрак-қон томир, диабет, нафас йўллари** ва **юқумли** касалликлар бўйича эрта ўлимни эса **2,5 баробарга** камайтириш соҳадаги энг асосий вазифалардан бири бўлади.

**Сил** билан касалланиш даражасини кескин камайтириш учун зарур имкониятлар ишга солинади.

Жигар циррозига олиб келувчи **"гепатит С"** касаллигини **100 фоиз давлат ҳисобидан** даволашни йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан, 2030 йилга қадар** тиббиётга **бюджетдан ажратиладиган йиллик маблағ** ҳажмини **2 карра** ошириб, уни **6 миллиард долларга** етказиш орқали аҳолини **кафолатланган тиббий хизмат** билан қамраб олиш **даражасини** янада кенгайтиришни бу йўналишдаги асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаймиз.

Келгуси йилдан бирламчи бўғин орқали энг кўп учрайдиган **10 та касалликни даволаш** ва **6 та тиббий хизмат**дан иборат **кафолатланган тиббий пакетни** аҳолига **бепул** тақдим этиш чоралари кўрилади.

**Туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, болаларга 7 турдаги витаминлар, йод ва фолий кислотасини бепул тарқатиш** ишлари давом эттирилади.

Шунингдек, **350 минг нафар диабет, 1,5 миллион** нафар **юрак-қон томир** касаллиги бор **беморларни даволаш** билан тўлиқ қамраб олишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳар йили **юрак нуқсони бор 5 минг болани** ва **кўриш қобилиятини йўқотиш эҳтимоли юқори бўлган 10 минг чақалоқни бепул** даволаш режаларимиздан алоҳида ўрин олади.

**Соғлиқни сақлаш тизими тўлиқ рақамлаштирилади** ва **тиббий суғурта тизими** жорий қилинади.

**Учинчидан, онкологик беморлар даволаниши** ва **соғайиб кетиши учун зарур шароитларни** яратиб, уларнинг **одатий ҳаётга қайтишига** кўмаклашамиз.

Жумладан, **120 минг нафар онкологик** касаллиги бор **беморларни даволаш билан** тўлиқ қамраб олиш учун барча имкониятлар ишга солинади.

**Онкологик беморлар ҳаётини сақлаб қолиш** мақсадида **ўзак ҳужайраларини трансплантация қилиш амалиётини** йўлга қўйиш бўйича барча шароитлар яратиб берилади.

**Эҳтиёжманд оилаларнинг онкологик касаллиги бор фарзандларида ўзак ҳужайраларини трансплантация қилиш учун харажатлар**ни тўлиқ **давлат ҳисобидан** қоплашга зарур молиявий ресурслар жалб қилинади.

### 1.3. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ислоҳотлар

**Ижтимоий ҳимоя** тизимининг вазифаси **аҳолини оғир аҳволдан чиқариш ва жамиятда ўз ўрнини эгаллаши учун кўмак беришдан иборат бўлади.** Шу боис, **ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини** тўлиқ қайта кўриб чиқамиз ва **камбағалликни қисқартириш** бўйича ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқамиз.

**Биринчидан,** ҳар бир маҳаллада **профессионал ижтимоий ходимлар** фаолиятини ва **ижтимоий хизматларни** манзилли асосда кўрсатиш тизимини йўлга қўямиз.

**Ҳаётда оғир аҳволга тушган** ёки **тушиш хавфи юқори** бўлган ҳар бир **оила бўйича** алоҳида **"ижтимоий хизмат иши"** юритиш тартиби ишлаб чиқилади. Бунда, **ушбу оилаларда шароитни яхшилаш, уларга даволаш, дориларни етказиш, фарзандларини боғча** ва **мактабга жойлаштириш, моддий ёрдам бериш** каби **ижтимоий хизматлар** кўрсатиш назарда тутилади.

Туманларда ижтимоий хизматларни **"ягона дарча"** тамойили асосида кўрсатадиган **ижтимоий хизматлар марказлари, психолог, ҳуқуқшунос, ижтимоий ходим**дан иборат **"мобиль гуруҳлар"** фаолиятини йўлга қўйиш бу соҳадаги вазиятни тубдан ўзгартиради.

Болаларни **васийликка** олиш тизими, васийларни танлаш мезонлари ва мониторинг қилиш тартиби қайта кўриб чиқилади.

**Иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахслар**ни қўллаб-қувватлаш бўйича **янги тизимни** яратиш – ҳал қилиниши лозим бўлган асосий масалалардан бири бўлади.

**Ортопедия, реабилитация, тиббиёт** ва **дори восита**ларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзи танлайдиган, давлат эса пулини тўлаб берадиган тизимни жорий этиш бундай шахсларга кенг имкониятларни яратади.

**Протез-ортопедия буюмлари** билан таъминлаш учун йўналтириладиган маблағларни ҳозирги **80 миллиард сўм**дан **250 миллиард сўм**га кўпайтириш ушбу йўналишда устувор вазифа бўлади.

Ногиронликни белгилаш бўйича **ҳозирги тиббий моделдан ижтимоий моделга** ўтиш учун зарур чоралар кўрилади. Бунда, **ишлаш истагидаги ногирон шахслар**га зарур шароитлар яратилади.

**Ногиронлиги бўлган шахсларни** меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга **бепул** ўқитиш тизимини йўлга қўйиш уларнинг жамиятга интеграциясини янада кучайтиради.

**Оиласидаги ногиронлиги бўлган одамга қаровчи эҳтиёжманд инсонларга иш ҳақи** тўлаш тизимини жорий қилиш уларнинг манфаатларига хизмат қилади.

**Ногиронлиги бўлган шахслар**ни **бизнесга жалб қилиб, даромад топишга ўргатган, уларнинг маҳсулотини реализация қилишга кўмаклашган тадбиркорларга имтиёз ва афзалликлар** бериш тартиби ишлаб чиқилади.

**Учинчидан, Янги Ўзбекистонни – аёллари ҳаётидан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантирамиз.**

Ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган **меҳрибон оналаримиз, мунис опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизнинг** ҳуқуқ ва манфаатларини, сифатли таълим олишини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, **гендер тенглик масалалари** бундан буён ҳам энг асосий вазифа бўлиб қолади.

Қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар учун **ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш** хизмати кенгайтирилади.

Зўравонликка учраган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича **"Call-марказлар"**ни ташкил қилиш ҳаётий заруратга айланган.

**Туғуруқ таътилидаги аёллар** учун **онлайн ишлаш тизимини** жорий этиш юзасидан барча ҳуқуқий асослар яратилади.

**Тўртинчидан, қадрли отахон ва онахонларимизнинг соғлиғини тиклаш, мазмунли дам олиши учун қўшимча шароитлар яратиш** бўйича катта дастур қабул қиламиз.

Юртимиздаги **уч миллион**дан ортиқ нуронийлар ҳар йили **бепул тиббий кўрикдан ўтказилиши, шифохона** ва **сиҳатгоҳларда даволаниши,** улар учун юртимиз бўйлаб **саёҳатлар** ташкил этилиши бўйича барча шароитлар яратилади.

Кексаларга малакали **тиббий хизмат кўрсатиш** учун оилавий шифокорлик пунктлари ва поликлиникаларни **қўшимча ускуналар** билан таъминлаш чоралари кўрилади.

**"Уч авлод учрашувлари", "Оталар жасорати – ибрат намунаси", "Ўнта ёшга – бир нуроний"** ҳаракати каби маънавий-тарбиявий ишларни янада кенгайтириш ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

**Бешинчидан,** биз мамлакатимизда **камбағаллик**ни қисқартиришга қаратилган сиёсатни изчил давом эттирамиз.

Меҳнат қобилиятини ишга солиш орқали **3 миллион нафар** ёшларни **камбағаллик**дан чиқариш асосий вазифамиз бўлади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид дастурлар **камбағал аҳоли билан бирга даромади паст бўлган қатламларни ҳам қамраб оладиган тизимни** яратиш адолатдан бўлади.

Тадбиркорларга **ижтимоий шериклик** асосида камбағал тоифа учун бандлик дастурларини амалга оширишда қўшимча имтиёз ва рағбатлар бериш тартибини ишлаб чиқиб, бунга ҳар йили камида **1 миллиард доллар** йўналтириш бўйича барча куч ва ҳаракатларимизни сафарбар этамиз.

**Олтинчидан, ҳар бир оила ўз уй-жойига эга бўлиши** учун зарур шароитларни яратамиз.

Келгуси **етти йилда 15 миллиард доллар** ҳажмидаги маблағни йўналтириш ҳисобига қўшимча **1 миллион** хонадонли уй-жойлар қурилиши – асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

**Қурилиш-пудрат ташкилотлари** ҳамда **аҳолига арзон** ва **узоқ муддатли кредитлар** тақдим этиш тартиби ишлаб чиқилади.

### II. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**2030 йилга** бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини **2 баробар** кўпайтириб, **160 миллиард доллар**га етказиш, **аҳоли жон бошига** тўғри келадиган **ялпи ички маҳсулот** ҳажмини ҳозирги **2 минг 200 доллар**дан **4 минг доллар**га ошириш асосий стратегик мақсадларимиздан бири бўлади. Ўзбекистон **"даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар"** қаторига кириши учун барча имкониятларни ишга соламиз.

**Биринчидан, илғор технологияларга асосланган** саноатни ривожлантириш ва бу орқали **меҳнат унумдорлигини 2 баробар** ошириш бўйича зарур чораларни кўрамиз.

Келгуси йилларда:

**– Олмалиқда 3 та мис бойитиш** фабрикаси ва янги **мис эритиш** заводи;

**– Оҳангарон мис**ни қайта ишлаш **кластери;**

**– Навоий, Қўнғирот** ва **Қоракўлда** йирик **кимё-полимер** кластерлари;

**– Тошкент** ва **Навоий вилоятлари**да **фосфорит** хомашёсидан **юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулот** ишлаб чиқариш корхонаси;

**– Тебинбулоқ** ва **Ғаллаоролда темир** ишлаб чиқариш мажмуалари каби **стратегик мегалойиҳаларни** ишга тушириш бўйича ташкилий-амалий ишлар олиб борилади.

**2030 йилгача юқори даромадли маҳсулот** учун зарур бўлган **мис** ишлаб чиқаришни **3,5 баробар, олтин**ни **– 1,5 карра, кумуш**ни **– 3 марта, уран**ни **3 баробар** ошириш бўйича имкониятларимизни сафарбар этамиз.

**Автомобилсозлик** соҳасида ҳақиқий рақобат пайдо бўлиши учун **4 та** нуфузли хорижий компаниянинг лойиҳаларини ишга тушириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини йилига **1 миллион донага** етказиш асосий вазифа бўлади. Бунда, йилига **300 мингта электромобиль** ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилади.

**Саноатда қўшилган қиймат** ҳажми **20 миллиард доллар**дан **45 миллиард доллар**га етказилиши учун барча шароитлар яратилади.

**Иккинчидан,** ташқи бозорларга чиқиш харажатлари юқори эканини инобатга олиб, илмга асосланган, юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирамиз.

Ташқи бозорларга чиқиш учун **Жаҳон савдо ташкилотига** аъзо бўлиш муҳим мақсадларимиздан бири бўлиб қолади.

**Саноатни ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилиб, унга **1 миллиард доллар** ажратиш орқали мамлакатимизда юқори қўшилган қийматли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш янги босқичга олиб чиқилади.

**2030 йилга қадар:**

**– 50 та** нуфузли **хорижий брендлар** билан **махсус экспорт зоналарини** ташкил қилиш;

– тадбиркорларга **"тайёр бизнес"** шаклида бино бериш мақсадида **саноат ипотекаси** тизимини тўлиқ йўлга қўйиш;

– ҳар бир туманда камида **мингта** иш ўрни яратадиган **2 тадан** янги **саноат зоналарини** ташкил этиш;

**– "ай-ти" хизматлари** экспортини **5 миллиард долларга** олиб чиқиш;

**– экспорт ҳажмини 2 баробар** ошириб, **45 миллиард доллар**га етказиш устувор вазифа бўлади.

**Учинчидан,** бутун дунёда тез ривожланаётган **"яшил иқтисодиёт"**га ўтиш, унинг асоси бўлган **қайта тикланувчи энергиядан** фойдаланишни кенгайтирамиз.

**2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари ҳажмини 25 минг мегаватт**га, уларнинг улушини ҳозирги **14 фоиздан 40 фоизга** етказишга алоҳида аҳамият берилади.

2024 йилдан бошлаб саноатда **"яшил сертификат"**лар бозори яратилади.

Автобусларни **тўлиқ экологик тоза электр** ёки **газ ёқилғисига** ўтказиш учун барча ташкилий масалалар ҳал этилади.

Барча янги уйлар ва асбоб-ускуналарга **энергияни тежаш бўйича талаблар жорий этилади.**

Иқтисодиётда **энергия самарадорлигини 2 карра** ошириб, **2030 йилга** бориб **50 миллиард киловатт соат "яшил энергия"** ишлаб чиқариш учун зарур шароитлар яратилади.

Бунда, **10 минг километр магистрал** ва **110 минг километр ҳудудий электр тармоқларини** барпо этиш режалаштирилиб, аниқ дастурлар асосида амалга оширилади.

**Тўртинчидан,** бизнес ва аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, **инфратузилмани ривожлантириш** бўйича янги ёндашувларни жорий қиламиз.

**Йўл-транспорт** соҳасида авиақатновлар сонини **4 марта** ошириш соҳадаги асосий вазифалардан бири бўлади.

**Тошкент – Самарқанд, Навоий – Бухоро** йўналишларида **тезюрар поездлар учун қўшимча темир йўллар** қурилиши учун барча имкониятлар сафарбар қилинади.

**Электрлашган темир йўллар** улушини **43 фоиз**дан **65 фоиз**га етказиш ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан манфаат келтиради.

**Темир йўл соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши,** хизматлар сифати рақобатбардош нархлар асосида белгиланиши соҳада эркин бозор тамойилларига ўтишнинг муҳим омилидир.

**Йирик 6 та аэропорт** модернизация қилиниши, **хусусий авиакомпаниялар** сони **10 та**га етказилиши бу соҳада рақобатни ошириб, йўловчиларга қулайликлар яратади.

**2030 йилга қадар туман марказларидан ҳар бир қишлоққача** – жами **5,5 минг километр цемент-бетон йўлларни** қуриш ва **жамоат транспорти** билан тўлиқ қамраб олиш чоралари кўрилади.

*Давоми 4-саҳифада.* ▶▶

XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
17-iyun 2023-yil 25 (1023)

# ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД – ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ

◀◀*Бошланиши 3-саҳифада.*

**Тошкент – Самарқанд** ва **Тошкент – Фарғона водийси** йўналишларида **янги автомобиль йўлларини** қуришга **давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий қиламиз.**

Хусусий сектор иштирокида **56 минг километр йўлларни** реконструкция қилиш дастурларини ишлаб чиқиб, амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

**Йўловчи ва юк ташиш** ҳажмини **3 баробар** кўпайтириш соҳадаги энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолади.

**2030 йилга қадар** барча аҳоли пунктларини **тоза ичимлик суви** билан таъминлаш муҳим ҳаётий масаладир. Бунинг учун **2,5 миллиард доллар** ажратиш бўйича барча молиявий имкониятлар сафарбар этилади.

Қишлоқ ва овулларни **интернет** билан тўлиқ қамраб олиб, унинг **тезлигини 10 карра** ошириш юзасидан имкониятлар ишга солинади.

**Бешинчидан,** мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириб, **иқтисодиётимизга инвестицияларни кенг жалб этиш,** шунингдек, **банк тизимини ислоҳ қилиш** энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

**2030 йилгача 250 миллиард доллар** инвестициялар, шу жумладан, **110 миллиард долларни хорижий инвестициялар** ҳисобига, **40 миллиард долларни давлат-хусусий шериклик** доирасида жалб этиш бўйича барча имкониятлар сафарбар этилади.

Банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини ҳозирги **18 миллиард доллардан 40 миллиард долларга** етказиш бўйича аниқ дастурлар амалга оширилади.

**Банк тизими ислоҳотлари доирасида** банк омонатлари ҳажмини **4 баробар**га ошириш учун зарур шароитлар яратилади ва банкларни хусусийлаштириш тезлаштирилади.

Банк бозорига яна камида **4 та йирик нуфузли чет эл банки** кириб келиши ҳамда **нобанк молиявий хизматлари**ни кенгайтириш учун имконият яратилади.

**Қимматли қоғозлар бозори ҳажмини 10 миллиард долларга** етказиш чоралари кўрилади.

**Хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини** ташкил этиш учун барча қонуний асослар яратилади.

**Олтинчидан,** хусусий сектор улушини оширишни, **монопол соҳаларни бозор тамойилларига ўтказиш** бўйича ишларни давом эттирамиз.

**Темир йўл** хизматлари, **автомобиль йўллари** қуриш ва бошқариш, **газ ва электр** етказиб беришни **хусусий секторга** ўтказиш орқали рақобат муҳити яратилади.

**Ирригация, чиқиндини** қайта ишлаш, **ижтимоий объектларда энергетика** ва **иссиқлик таъминоти** тизимини бошқаришга **давлат-хусусий шериклик механизмлари кенг жорий этилади.**

Хусусийлаштириш дастури доирасида давлат улуши мавжуд корхоналарни **6 баробарга** камайтириш бўйича режали ишлар амалга оширилади.

**17 турдаги** давлат монополияси **бекор қилиниб,** уларга **хусусий сектор** кенг жалб этилади. Келгусида **фақат магистрал энергия ва транспорт тармоқлари, давлат бошқаруви ва хавфсизлиги билан боғлиқ соҳалар** давлат тасарруфида қолади.

**2030 йилга қадар** иқтисодиётда **нодавлат сектор** улушини **85 фоиз**га етказиш асосий мақсадимиз бўлади.

**Еттинчидан, бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши** учун энг қулай шароитлар яратишни бундан буён ҳам давом эттирамиз.

**Расмий сектор – нолегал фаолиятдан афзал ва манфаатли бўлиши** учун барча зарур шароитлар яратилади.

**Солиқ тизимини соддалаштириш** ва **барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар** яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Келгуси йилларда бизнес учун **қўшилган қиймат, фойда, айланмадан олинадиган** ва **мол-мулк солиғи бўйича ставкалар оширилмаслиги қатъий кафолатланади.**

2024 йилдан бошлаб, янги уй-жой сотиб олган аҳолига **қўшилган қиймат солиғининг ярми** қайтариб бериладиган тизим жорий этилади. **Қурилишдаги ҳисоб-китоблар шаффоф** бўлиши таъминланади.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари**ни сотган фермерларга қўшилган қиймат солиғининг **50 фоизини** қайтариш амалиёти йўлга қўйилиши уларни янада ривожлантиришда кучли рағбатлантирувчи омил бўлади.

**Ижтимоий реестрга киритилган аҳолини ишга олган корхоналарга** ходимининг **даромад солиғини қайтариб** бериш бундай тоифадаги шахсларнинг даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Вақтида солиқ тўлаётган корхоналарда **қўшилган қиймат солиғини қайтариш** муддати **бир кун этиб белгиланади.** Бундай корхоналарда **солиқ текширувлари ўтказилмайди** ва уларга давлат харидларида **устунлик берилади.**

**"Очиқ мулоқот"**лар орқали бизнес муаммоларини ҳал қилиш, бизнесга ноқонуний **аралашувга йўл қўймаслик ва хусусий мулк дахлсизлиги** сиёсати қатъий давом эттирилади.

**Саккизинчидан, 2030 йилгача қишлоқ хўжалигида бир гектардан олинадиган ўртача даромадни 3 минг доллар**дан **5 минг доллар**га етказиш соҳадаги бош мақсад бўлади.

Ҳосилдорликни **пахта** бўйича ўртача **45-50 центнер**га, **ғалла бўйича – 80-85 центнер**га ошириш учун зарур шароитлар яратилади.

Қўшимча **300 минг гектар** майдонларни ўзлаштириб, уларда **интенсив боғ** ва **узумзорлар** ташкил этиш режалаштирилади.

**Сабзавот, полиз, картошка** бўйича маҳаллий уруғлик таъминоти ҳозирги **15 фоиздан 50 фоиз**га етказиш борасидаги мавжуд имкониятлар ишга солинади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини ҳозирги **8 фоиздан 25 фоиз**га оширишга устувор вазифа сифатида қараймиз.

**Агротармоқда 2,5 миллион тонна** қувватга эга бўлган **100 та янги логистика марказини** ишга тушириш чоралари кўрилади.

Соҳада **экспорт** ҳажмини йилига **10 миллиард доллар**га етказиш учун барча имкониятларни сафарбар этамиз.

Қишлоқ хўжалигини **иқлим ўзгаришларига мос ҳолда ривожлантириш,** тупроқ ва **яйловлар деградациясининг** олдини олиш бўйича **Миллий дастур** қабул қилинади.

Аграр соҳага жами **15 миллиард доллар** инвестициялар жалб этиш ушбу йўналишни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

### III. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши белгиланган. Шу боис, **бетакрор табиатимизни асраб-авайлаб,** келажак авлодларга безавол етказиш бўйича таъсирчан чораларни кўрамиз.

**Сув ресурслари муаммоси** келгуси **ўн йилликда минтақамиз ва мамлакатимиз учун энг долзарб масала** бўлиб қолади. Бугунги кунда **70 фоиз** ерлар эски усулда суғорилмоқда, **60 фоиз** каналлар бетонланмаганлиги оқибатида йилига **16 миллиард метр куб** сув йўқотилмоқда. Шу сабабли, суғоришда **сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш ишларини жадаллаштирамиз.**

**Биринчидан, 2030 йилга қадар** экин майдонларини тўлиқ **сув тежайдиган технологияларга ўтказиш ҳаётий заруратга айланмоқда.**

Далаларга сув етказадиган объектлар **фермер** ва **кластерлар бошқарувига берилиб, сув етказиш** тизимига ривожланган давлатлар тажрибаси кенг жорий қилинади.

**Сув тежайдиган технологияларни** жорий қилган фермер ва деҳқонлар янада **рағбатлантирилади.** Бу борада **10 фоизлик** кредит ажратиш, ўз ҳисобидан жорий қилган ер эгаларига эса харажатнинг **50 фоизини** қоплаб бериш тартибини жорий этиш бўйича ишлар жадаллаштирилади.

**Иккинчидан, "Яшил макон"** умуммиллий лойиҳасини янада кенгайтирамиз.

**Яшил майдонлар**ни кўпайтириш учун йилига **400 миллиард сўм** ажратиб борилиши **аҳоли масканлари, умуман, маҳаллаларда** экологик муҳитни яхшилайди.

**Давлат идоралари, корхоналар, олийгоҳлар ҳам** ўзининг **яшил боғлари**ни ташкил қилиши зарур.

Янги уй-жой қуришда **пудратчиларга "яшил ҳудуд"** ва **автотураргоҳ** барпо этиш мажбурий талаб қилиб қўйилади.

**Учинчидан, 2030 йилгача** республикада **кўкаламзорлаштириш даражасини 18 фоиздан 30 фоиз**га етказиш аҳолини қулай экологик муҳитда яшаши учун шароит яратади.

**Оролбўйи** минтақасидаги ўрмонзорларни келгуси етти йилда **2,3 миллион гектарга** етказиш бу йўналишдаги устувор вазифа бўлиб қолади.

**Тошкент шаҳри**да амал қилаётган **бошқарув компаниялари** фаолиятини бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Барча қишлоқ ва шаҳарларни қаттиқ **маиший чиқиндилар**ни тўплаш хизматлари билан **тўлиқ** қамраб олиш, уларни **қайта ишлашни** эса камида **65 фоиз**га етказиш атроф-муҳит тозалигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Муайян ҳудудга янги **ҳоким** тайинланганда, ўша ерда **экологик аудит** ўтказиш, натижаларини жамоатчиликка эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилса, **ҳудуд аҳолиси ҳоким** олдига **сув ва ҳаво тозалиги, кўкаламзорлаштириш даражаси** бўйича аниқ масала қўя оладиган тизим яратилади.

### IV. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистонга **ҳуқуқий давлат** деган таъриф берилди ва шу асосда **инсон ҳуқуқлари кафолатлари**га оид нормалар ҳам **3 баробар** кўпайтирилди.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида **халқ хизматидаги давлатни барпо этиш** вазифасини **Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойилларидан бири** этиб белгилаймиз.

#### 4.1. Давлат бошқаруви

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида **"Давлат хизматчиси аввало халқ хизматчиси бўлиши шарт"** деган ғоя юқори натижадорликка йўналтирилган давлат бошқаруви тизимини яратишда биз олиб бораётган сиёсатнинг асосий талаби бўлади.

**Биринчидан,** рақамлаштириш орқали **бюрократияни бартараф этиш** принципини ҳаётимизга жадал олиб кирамиз.

**Давлат хизматлари тўлиқ** электрон шаклга ўтказилиб, давлат бошқарувида мавжуд бўлган минглаб функцияларни босқичма-босқич рақамлаштириш аҳоли учун янги қулайликларни яратади.

**Фуқароларнинг** давлат хизматларидан фойдаланиш учун **мурожаат қилишида ариза ни ёзиш, турли шаклларни тўлдириш** каби **ортиқча формал тартиблар** бекор қилиниб, **давлат идоралари** зарур ҳужжатларни электрон базадан ўзи оладиган тизим яратилади.

Ҳар бир маҳаллада **электрон хизмат нуқталари** ишга туширилиб, маҳаллалар барча масалаларни **"бир қадам" тамойили асосида ҳал этадиган** масканга айлантирилади.

Давлат фуқаролик хизмати тизимини рақамлаштириш ишларини жадаллаштиришга алоҳида аҳамият берилади.

**Иккинчидан,** маъмурий ислоҳотларнинг янги босқичида **жойлардаги бошқарувни** ўзгартириб, маҳаллий кенгашни **халқнинг чинакам овозига айлантирамиз.**

**Ҳокимнинг Кенгашга раҳбарлик ваколати** бекор қилиниши, уларнинг **Кенгаш олдида, халқ олдида ҳисобдор** бўлишини, масъулияти ва жавобгарлиги ошишини таъминлайди.

Маҳаллий кенгаш депутатлар корпусини шакллантириш **тартиб-таомиллари** қайта кўриб чиқилади.

Ҳоким ва маҳаллий кенгашнинг жавобгарлик доираси ва аниқ вазифалари белгиланган ҳолда улар фаолиятида жамоатчилик иштирок этиши учун зарур шароитлар яратилади.

**Учинчидан,** аҳоли фаровонлигини таъминлашда **маҳаллани жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги** "таянч кўприк"ка айлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

**Мол-мулк ва ер солиқлари** маҳаллада қолиши ҳисобига, **маҳалла бюджети**да йилига **3 триллион сўм** маблағ пайдо бўлади.

Келгуси йилларда **"Очиқ бюджет"**га бериладиган маблағни **3 карра** ошириб, **24 триллион** сўмга етказиш бўйича барча имкониятлар мавжуд.

**Маҳалла раисларининг** ваколат муддатини **3 йилдан 5 йилга** узайтириш бўйича қонуний асослар яратилади.

**Тўртинчидан, очиқлик сиёсатини** изчил давом эттириб, **оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш** ва **тарқатиш**га бўлган ҳуқуқларини қатъий кафолатлаймиз.

**Нодавлат нотижорат ташкилотларини янада қўллаб-қувватлаб,** улар учун **барча шароитлар яратилади.**

Сиёсий партиялар ролини ошириш, улар ўз кучи ва имкониятларини амалда тўла намоён этиши учун **аралаш,** яъни **мажоритар – пропорционал сайлов тизими** жорий этилади.

#### 4.2. Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари

**Қонун устуворлиги, суд мустақиллигини ошириш ва адолатни таъминлашни устувор вазифа деб** ҳисоблаймиз. Янги Ўзбекистонда **фуқаро ва бизнеснинг ҳимоячиси фақат қонун ва суд** бўлишига эришамиз.

**Биринчидан,** давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали **суд назоратини** ўрнатиб, одил судловга эришиш даражасини ошириш учун барча имкониятларни сафарбар этамиз.

**Терговда шахс ҳуқуқини чеклашга санкция бериш масаласи** алоҳида **судьялар** томонидан кўриб чиқилиши амалиёти йўлга қўйилади.

Одамларни **"қамоққа олиб тергов қилиш"** амалиёти камайтирилади, бунинг ўрнига **гаров эҳтиёт чорасидан кенг фойдаланиш** имконияти яратилади. Бу масалада айбланувчи ёки ҳимоячи томонидан **судларга эҳтиёт чорасини ўзгартириш юзасидан мурожаат** қилиш имкониятлари кенгайтирилади.

Қамоқдаги шахслардан олинган **"айбни бўйнига олиш"** ҳақидаги ариза далил сифатида қабул қилинмаслиги таъминланади.

**Иккинчидан, жиноят иши қўзғатиш ва жазо бериш бўйича ёндашувларни** қайта кўриб чиқамиз.

Жабрланувчининг илтимосига асосан **жиноят ишини қўзғатмасдан ҳам ярашиш имконияти** яратилади.

**Жиноят содир қилган шахслар** келгусида тузалиш йўлига ўтиши учун **муқобил жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари кенгайтирилади.**

**Учинчидан, тадбиркорлар учун жиноий жавобгарликка оид қонунчилик**ни янада либераллаштирамиз.

**Солиққа оид жиноятлар** бўйича тадбиркор **суд ҳукми чиққунга қадар зарарни қопласа, жавобгарликдан озод этиш тартиби жорий этилади.**

Тергов-суд жараёнида тадбиркорни ҳимоя қилишга **Бизнес омбудсман ва Савдо-саноат палатасини жалб этиш**га оид янги тартиб ўрнатилади.

### V. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ

Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши белгиланган. Шундан келиб чиқиб, **узоқ ва яқин давлатлар билан дўстлик** алоқалари ва ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантирамиз.

#### 5.1. Ташқи сиёсат

Биз **очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат** олиб боришни давом эттирамиз.

**Биринчидан,** Янги Ўзбекистон **ташқи сиёсатини фақат халқимиз ва давлатимизнинг миллий манфаатлари**дан келиб чиққан ҳолда олиб борамиз.

Ўзбекистоннинг **сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ташаббуслари** халқаро майдонда фаол илгари сурилади.

**Қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик** муносабатлари жадал ривожлантирилади.

**Марказий Осиё**да турли йўналишлар, айниқса, **сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, транспорт йўлакларини ривожлантириш** борасидаги амалий ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилади.

**Иккинчидан,** хориждаги **ватандошларимизни қўллаб-қувватлаб, уларнинг** юртимиз тараққиётида фаол иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб берамиз.

Хориждаги **ватандошларимиз** орасида **она тили, миллий маданият ва анъаналарни тарғиб этиш** бўйича тизимли чоралар кўрилади.

Ватандошларимизга дунёнинг исталган нуқтасидан мамлакатимиздаги **давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш** имконияти яратилади.

**Учинчидан, ташқи меҳнат миграцияси тизимини** тўлиқ ислоҳ қилиб, хорижга ишлаш учун бораётган аҳолимизни **касбга ва чет тилларига ўқитиш кўламини** кенгайтирамиз.

Хорижда ишлаш истагидаги юртдошларимиз Европа ва Осиёнинг **юқори ҳақ тўланадиган мамлакатларига ишга** боришлари учун давлат томонидан кўмак бериш тартиби жорий этилади.

Мураккаб вазиятга тушиб қолган юртдошларимизга **ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш** кўлами кенгайтирилади.

Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари давлатимиз, халқимизнинг **доимий ғамхўрлигида** бўлади, уларнинг фарзандлари **ўқиши** ва **олийгоҳларга киришида** ҳам енгилликлар берилади.

#### 5.2. Хавфсизликни таъминлаш масалалари

**Жаҳонда содир бўлаётган** мураккаб жараёнлар шароитида бизнинг **бош мақсадимиз – Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини янада мустаҳкамлашдан** иборат бўлади.

**Биринчидан, Қуролли Кучларимизнинг қудрати, мудофаа қобилиятимиз ва ҳарбий салоҳиятимизни янада ошириш** мақсадида миллий армиямизни **2030 йилга қадар энг замонавий қурол-аслаҳа** ва **ҳарбий техника** билан таъминлаймиз.

Қўшинларнинг жанговар руҳи ва салоҳиятини юксалтириш, **ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш,** уларни **ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш** борасида бошланган ишлар жадал давом эттирилади.

**Иккинчидан,** ҳарбий-жанговар қудрат ва юксак маънавий салоҳиятни Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айлантирамиз.

**Ҳарбий хизматчиларимизни, мактаб, техникум ва олийгоҳларда ўқиётган болаларимизни, барча ёшларимизни** тарихимиз ва **маърифатпарвар аждодларимиз** мероси асосида **тарбиялаш учун зарур шароитлар яратилади.**

Ёш авлодни **Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ғояси** атрофида бирлаштириш бўйича алоҳида дастур асосида иш олиб борилади.

Давлатимиз рамзлари, хусусан, **байроғимиз хонадонларда ҳам ҳилпираб туриши учун зарур ҳуқуқий асослар яратилиб, миллий ғуруримиз тимсолига айлантирилади.**

**Азиз ва муҳтарам юртдошлар!**

Дунёда **қарама-қаршилик** ва **тўқнашувлар** тобора кучайиб бораётган, эртага халқаро вазият қандай тус олишини **олдиндан айтиб бўлмайдиган** бугунги **ғоят мураккаб замонда** кўзлаган мақсадларга эришиш осон бўлмайди.

Лекин ўтган даврда **халқимиз билан** катта сафарбарлик руҳида ишлашни, **аниқ натижаларга** эришишни ўргандик. Илгари **ўн йиллар керак бўлган** йўлни қисқа муддатда босиб ўтдик. Етарлича билим ва тажриба орттирдик. Жаҳонда қанча дўст ва ҳамкорлар топдик. **Дунё – бизга, биз дунёга очилдик.**

Энг муҳими, ўзининг неча минг йиллик шонли тарихи давомида **ҳар қандай синов ва машаққатлардан ёруғ юз билан** ўтиб келаётган, **мард ва матонатли халқимиз бизга ишонди.**

**Энди ана шу ишончни амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлаш даври келди. Агар эзгу мақсадларимиз йўлида жипслашиб, ҳаммамиз бир бўлиб, астойдил ҳаракат қилсак, мен ишонаман, бундан ҳам катта марраларни забт эта оламиз.**

Мен, олижаноб, буюк халқимиз билан бирга юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт, инсон қадри баланд бўлган янги давлат, янги жамиятни барпо этишга **қаттиқ бел боғлаганман.**

Бу **юксак масъулиятли вазифани адо этиш йўлида ўзимнинг бор куч-ғайратим, билим ва тажрибамни, керак бўлса, бутун борлиғимни бағишлашга тайёрман.**

**Эл-юртимизга фарзандлик садоқати билан хизмат қилишдек буюк эътиқод доимо ҳаётимнинг маъно-мазмуни бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган **давлат сиёсатимизга, ислоҳотларимизга катта ишонч билдириб, мени ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаётган она халқимга чин дилдан таъзим қиламан.**

**Азиз дўстлар!**

**Олдимизда турган кенг кўламли, ғоят серқирра ва масъулиятли вазифаларни адо этишда бизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛОМ, БИЛИМЛИ ВА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОНЛАР ЮРТИ БЎЛАДИ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР СОНИ ИККИ КАРРА ОШИРИЛАДИ

O'zLiDePдан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг **Қорақалпоғистон Республикасидаги ишончли вакили Байрамбай Отемуратов** Қонликўл туман Ёшлар ишлари агентлиги бўлимида сайловчилар билан учрашди. У сайловчиларга номзоднинг сайловолди дастури, бешта устувор мақсадни қамраган асосий йўналишлар ҳақида батафсил маълумот берар экан, шундай деди:

– Партиямиздан номзод Шавкат Мирзиёев яқинда қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашганида сайловолди дастурида Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида эътибор қаратганини таъкидлади. Қорақалпоқ халқи учун бир қатор манфаатли ва истиқболли таклифларни илгари сурди. Хусусан, ўқувчиларнинг мактабга бориб, келиши учун автобус қатнови биринчи бўлиб Оролбўйида йўлга қўйилади. 160 та янги боғча қурилиб, таъмирланади, 2 мингта хусусий боғча ташкил қилинади.



Шунингдек, ҳудудда келгуси етти йилда қўшимча 100 минг янги ўқувчи ўрни яратилади. Бунда 30 та янги мактаб ва 150 та мактаб учун қўшимча бино қурилади, 350 таси таъмирланади, ихтисослашган мактаблар сони эса 2 карра оширилиб, 32 тага етказилади.

Номзоднинг, айниқса, маҳалла ва овулларда 6 минг километр йўллар ҳамда 150 та кўприкнинг таъмирланиши, 5 минг километр электр тармоғи, 1 минг 350 та трансформатор ва 10 та подстанция янгиланиши, 70 минг хонадонга эга 2 мингта кўп қаватли уй фойдаланишга топширилиши, барча ижтимоий ва давлат идоралари ҳамда 17 минг хонадонда 55 мега ватт қувватли қуёш панеллари ўрнатиш каби режалари сайловчиларни қувонтирди.

Ишончли вакил Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида илгари сурилган устувор вазифалар, таклифлар халқимизнинг турмуш сифати янада ошишига хизмат қилишини таъкидлаб, барчани бўлажак сайловда партия номзодини қўллаб-қувватлаб, овоз беришга чақирди.

**САМАРҚАНД**

## БОҒЧА ҚУРГАН КОРХОНА АЙРИМ СОЛИҚЛАРДАН ОЗОД БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг **Самарқанд вилоятидаги ишончли вакили Рустам Холмуродов** Булунғур тумани маданият бўлимида сайловчилар билан учрашди.

Унда ҳудуд фаоллари, туман кенгаши депутатлари, фахрийлар, тадбиркорлар, хотин-қизлар ва ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, 2030 йилга қадар мактабгача таълимга бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланади. Қамровни 100 фоизга етказиш ва боғчаларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатлар сафарбар қилинади. Шу мақсадда 7 фоизлик ставкада 10 йил муддатга кредит бериш учун имкониятлар яратилади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг боғча қуришга сарф этиладиган харажатларини солиқлардан тўла озод қилиш тартиби ишлаб чиқилади.



Келгуси етти йилда чет тилларини ўргатиш учун барча мактабларга тил эгалари бўлган ўқитувчилар жалб қилиниб, бу мақсадларга ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ ажратиш чоралари кўрилади.

Учрашув якунида ишончли вакил барчани Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевга овоз беришга чақирди.

**ЖИЗЗАХ**

## КАМБАҒАЛЛИК ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

Арнасой туман маданият бўлимида O'zLiDePдан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг **Жиззах вилоятидаги ишончли вакили Байрамбек Узоқов** арнасойлик сайловчилар билан учрашди. Маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари, электорат ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбир аввалида ишончли вакил сайловчиларни номзоднинг ҳаёти, меҳнат фаолияти билан таништирди. Бешта устувор мақсадни ўзида мужассам этган сайловолди дастури мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган тубислоҳотларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, натижанинг ўзи энг яхши кўзгудир. Ўтган даврда қўлга киритилган марралар кўп нарсани англатади. Энг муҳими, ҳар бир юртдошимиз уларни ўз ҳаётида сезмоқда. Мисол учун, Арнасойда "Оққўрғон тажрибаси" асосида амалга оширилган ўзгаришлар жараёнида аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган муаммоли масалалар ўз ечимини топди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун салмоқли ишлар амалга оширилди.

Номзоднинг сайловолди дастурига кўра мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилади. Жумладан, 3 миллион ёшнинг меҳнат қобилиятини ишга солиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид дастурлар камбағал аҳоли билан бирга даромади паст бўлган қатламларни ҳам қамраб олади, тадбиркорларга "ижтимоий шериклик" асосида камбағал тоифа учун бандлик дастурларини амалга оширишда қўшимча имтиёз ва рағбатлар бериш, бунга ҳар йили камида 1 миллиард АҚШ долларини йўналтириш асосий вазифа бўлади.

Шунингдек, ҳар бир оила ўз уй-жойига эга бўлиши учун зарур шароитлар яратилади. Келгуси етти йилдаги асосий вазифа – 15 млрд АҚШ долларини йўналтириш ҳисобига қўшимча 1 миллион хонадонли уй-жойлар қурилишини таъминлаш, қурилиш-пудрат ташкилотлари ҳамда аҳолига арзон ва узоқ муддатли кредитлар тақдим этиш тартиби ишлаб чиқилади.

Учрашув давомида арнасойлик тадбиркорлар, аёллар ва ёшлар ҳам сўзга чиқиб, партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлашларини билдиришди ва барчани ушбу номзод учун овоз беришга чақиришди.

**O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати**

**ҚАШҚАДАРЁ**

## БАРЧА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Яккабоғ туманидаги Қўрғонча маданият саройида O'zLiDePдан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг **Қашқадарё вилоятидаги ишончли вакили Шуҳрат Асланов** меҳнат фахрийлари, партия фаоллари, депутатлар, ёшлар, кенг жамоатчилик ва турли соҳа вакиллари билан учрашди.

Ишончли вакил сайловчиларга Шавкат Мирзиёевнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, сайловолди дастуридан ўрин олган устувор мақсад ва вазифалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаҳматова, партиянинг Яккабоғ туман кенгаши раиси ўринбосари Наргиза Саломова, меҳнат фахрийси Очил Мавлонов, туман мактаб ва мактабгача таълим бўлими шўъба мудири Зебо Расулова ва бошқалар яккабоғлик сайловчиларни бўлиб ўтадиган президентлик сайловида фаол иштирок этишга чақиришди. Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида халқимизнинг фаровон ҳаёти ва жамиятимизнинг ёрқин келажаги учун устувор мақсадлар аниқ ва равшан ифода этилганлигини таъкидлаб ўтишди.

Жумладан, 2030 йилга қадар барча аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муҳим ҳаётий масаладир. Бунинг учун 2,5 миллиард доллар ажратиш бўйича барча молиявий имкониятлар сафарбар этилади. Қишлоқ ва овулларни интернет билан тўлиқ қамраб олиб, унинг тезлигини ўн карра ошириш юзасидан имкониятлар ишга солинади.

Ишончли вакил тадбир сўнгида барчани бўлажак сайловда Шавкат Мирзиёев номзодига овоз беришга чорлади.

**Бозор АЗИЗОВ**

**НАВОИЙ**

## КОНЧИЛАР ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг **Навоий вилоятидаги ишончли вакили Қувондиқ Санақулов** зарафшонлик сайловчилар билан учрашди.

Кончилар шаҳри – Зарафшондаги "Олтин водий" маданият уйида бўлиб ўтган учрашувда ишончли вакил сайловчиларга номзоднинг сайловолди дастуридан ўрин олган бешта стратегик мақсад ҳақида маълумот берди. Хусусан, келгуси етти йилда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар янада жадал давом эттирилиб, барча саъй-ҳаракатлар фаол ишга солинади. Дастурдаги ҳар бир мақсад ва ғоя "Инсон – жамият – давлат" тамойили асосида халқимизнинг барча тоифасига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш асносида уларни ҳаётдан рози қилишга қаратилган. Белгиланган мақсадларнинг рўёби сифатида 2030 йилга бориб аҳолининг турмуш даражаси икки бараварга юксалади.

Ўтган олти йилликда Зарафшон шаҳрида ҳам қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳардаги мавжуд 13 та мактаб замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 150 ўринли даволаш бўлими биноси қурилди. Қизилқўм бағрида жойлашган Мурунтов, Довғизтов қўрғонлари аҳолисининг тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммоси тўлиқ бартараф этилди. Зарафшонликларнинг маиший ҳордиқ чиқаришлари учун "Фаввоpалар сайлгоҳи" ва шаҳар хиёбони барпо этилди. Шаҳарда инвестиция лойиҳаларини ўзлаштириш ҳам йилдан-йилга ошиб, бугунги кунда 169 млн 395 минг АҚШ долларилик ишлар амалга оширилиши натижасида 2 минг 400 дан зиёд иш ўрни яратилгани айтилди.

Ишончли вакил ушбу ҳаётий мисолларни келтираркан, зарафшонлик сайловчиларни Янги Ўзбекистоннинг меъмори, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш учун сиёсий ирода ва бутун салоҳиятини бахш этаётган Шавкат Мирзиёев номзоди учун овоз беришга чақирди.

– Мен номзодимизнинг дастури билан танишиб чиқдим, – деди халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Лайло Турсунова. – Айнан Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тадбиркорларга имкониятлар эшиги очилди. Ўтган йили ишга тушган "Зарафшон ойна" масъулияти чекланган жамияти мисолида айтаманки, шаҳарда хусусий ишлаб чиқариш корхоналари сони кейинги олти йилда сезиларли даражада ошди. Сайловолди дастурида хусусий секторни ривожлантириш борасида муҳим вазифалар белгилангани ишбилармонлар учун катта имкониятлар яратилишини кафолатлайди.

13-мактаб директори Зилола Ҳотамова, Марказий кон бошқармасига қарашли ўқув маркази ишлаб чиқариш таълими устаси Тоҳир Холмирзаев, бошқарма ташқи сув таъминоти ва бирлашган энергия хизмати ходими Огулбек Тошбоева ҳам сўзга чиқиб, номзодимиз дастурида белгиланган хайрли мақсадларни қўллаб-қувватлади. Ўз соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар бардавом бўлиши учун барчани Шавкат Мирзиёев номзодига овоз беришга чақирди.

Ишончли вакил Қувондиқ Санақуловнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

**НАМАНГАН**

## ДАВЛАТОБОДЛИКЛАР КИМГА ОВОЗ БЕРИШНИ БИЛАДИ

Наманган шаҳри Давлатобод туманидаги "Art soft holding" компаниясида президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг **вилоятдаги ишончли вакили Икромхон Нажмиддинов** сайловчилар билан учрашди.

Эътироф этилдики, номзоднинг сайловолди дастурида Янги Ўзбекистонни инсонлар ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантириш борасида бир қатор мақсадлар белгилаб олинди. Хусусан, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган нуронийларимиз, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, сифатли таълим олишини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенглик масалалари бундан буён ҳам энг асосий вазифа бўлиб қолади.



Қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар учун ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш хизмати кенгайтирилади. Зўравонликка учраган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича "Call-марказлар"ни ташкил қилиш бўйича зарурий чоралар кўрилади. Туғруқ таътилидаги аёллар учун онлайн ишлаш тизимини жорий этиш юзасидан барча ҳуқуқий асослар яратилади.

Ёшларга ўрнак, намуна бўлиши учун "Уч авлод учрашувлари", "Оталар жасорати – ибрат намунаси", "Ўнта ёшга – бир нуроний" ҳаракати каби маънавий-тарбиявий ишлар янада кенгайтирилади.

Меҳнат фахрийси Муҳаммаджон Каримов ҳам Шавкат Мирзиёевнинг наманганликларга ҳурмат-эҳтиромидан, эътирофидан қувонишини, хусусан, Наманган шаҳрининг республика бўйсинувидаги шаҳар мақомига айлантирилгани, унинг таркибида Давлатобод, Янги Наманган туманлари ташкил этилганидан барча нуронийлар чексиз мамнунлигини айтди.

Ишончли вакил ва партия фаоллари давлатободликларни яқинлашиб келаётган сайловда O'zLiDePдан номзод Шавкат Мирзиёевга якдиллик билан овоз беришга чақиришди.

**ХОРАЗМ**

## БИТИРУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг **Хоразм вилоятидаги ишончли вакили Рашид Рўзибоев** гурланлик сайловчилар билан учрашди.

Сенатор, депутатлар, партия электорати, хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этган ташвиқот тадбирини O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши раҳбари Ислом Файзуллаев очиб берди.



– Янги Ўзбекистонни инсонлар ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантириш борасида бир қатор мақсадлар белгилаб олинган, – деди Рашид Рўзибоев. – Айниқса, мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилади. Бунда меҳнат қобилиятини ишга солиш орқали 3 миллион нафар ёшни камбағалликдан чиқариш асосий вазифа бўлади. Соҳадаги ишларни жадаллаштириш учун таклиф этилаётган ечимлар қаторида тадбиркорларга ижтимоий шериклик асосида камбағал тоифа учун бандлик дастурларини амалга оширишда қўшимча имтиёз ва рағбатлар бериш тартибини ишлаб чиқиб, бунга ҳар йили камида 1 млрд доллар йўналтириш масаласи ҳам бор. Бу вазифалар бўйича барча куч ва ҳаракат сафарбар этилади, ишлар кўлами янада кенгайтирилади.

Тадбирда иштирокчилар ҳам ўз таклиф ва мурожаатларини баён қилишди. Ватанпарвар маҳалласи ёшлар етакчиси Сирожбек Халилов дастурда олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги режаларни, Наврўз маҳалласидан Исроил Нурметов Гулистон қишлоғини туман маркази билан боғловчи 4 километрлик катта йўлни таъмирлашни сўради. Бунга жавобан Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳодир Тожиев бандликни таъминлаш борасида келгуси 7 йилда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Йўлни таъмирлаш бўйича кўтарилган масаланинг ҳам дастурга киритилишини билдирди.

Тадбир сўнгида нотиқлар йиғилганларни халқимиз фаровонлиги йўлида тинмай изланаётган, юртимизда учинчи Уйғониш даври пойдеворини қўйишда фидойилик кўрсатаётган давлат арбоби Шавкат Мирзиёев номзоди учун овоз беришга чақирди.

**Саҳифани "XXI asr" мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.**

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси Шуҳрат Аслановга отаси
**Чори АСЛОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

www.21asr.uz
@XXIasr_yangiliklari
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
17-iyun 2023-yil 25 (1023)

# ҚАДИМИЯТДАН КЕЛГАН ОДАМ



*Усмон АЗИМ,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

***…Кунлардан бирида – роса ўттиз ёшимда – телевидениеда ишлайдиган дўстим Ўрол Ўтаев Шаҳрисабзга бормаймизми, деб қолди. Унинг айтишича, Шаҳрисабзда бахшилар анжумани ўтказилар экан. Ўролбой чироқчилик – даштда улғайиб ўсган, ўлиб кетаётган бахшичиликни тириклигида кўрган йигитлардан эди. Бу дўстим билан бахшилар ҳақида кўп гаплашиб турардик. Боришга рози бўлдим. Аммо хаёлимда ҳашаматли бахшилар ижодидан қолган хароба бир манзарани тасаввур қилдим. Шаҳрисабзда шу харобага дуч келсам… Кўнглим ғашланди.***

...Анжуман очилиши бўладиган майдонга қараб жўнадик. Таниш-билишлар, Тошкентдан келган олимлар билан йўл-йўлакай кўришиб, қисқа суҳбатлар қуриб кетяпмиз. Барчанинг оғзида бир гап: “Қодир ака келди!”, “Қодир бахши келди!..” Қодир исмини барча алоҳида ҳурмату кўтаринкилик билан айтяпти. Ўролбой ҳам Қодир бахшининг довруғини эшитган экан-у, ўзини кўрмаган экан. Иккаламиз бу умумҳурматдан руҳланиб, бахшилар қўшхонасига қараб жўнаймиз.

...Биз кўрингандан Қодир акани сўраб келяпмиз. Товушимизни эшитган, шекилли, ичкарига кирганимизданоқ арслондай бир одам ўрнидан қўзғолди. Йўқ, келбатида арслонга ўхшашлик йўқ, аммо ҳайбатидан, вужудидан таралаётган аллақандай сеҳрли куч-қудратдан, уни бу подшоҳ мавжудотдан бошқасига ўхшатиб бўлмаслигини шундоқ англадим. Биз худди соғинган биродаримизни учратиб қолгандай қучоқлашиб кўришдик. Негадир баҳри-дилимиз очилиб сўрашдик. Ўзимизни таништирдик. Ундан-бундан гаплашган бўлдик. Сўнг Қодир акадан бирор нарса айтиб беришини сўрадик. У киши дўмбирани олиб, созламасдан тингиллатиб кўрди. Сездим: дўмбира созланган – худди бизнинг келишимизни билгандай... Бахши дўмбирага бошини қийшайтириб эгилганча, аллақандай мунгли нағмани чала бошлади. Юрагим зириллади. Мен дўмбирадан бошқа бирор соз юракка бу қадар дард билан киришини билмайман! Ичим тўлғониб эшитяпман, денг. Дунёдан мосуво бўлганман. Бу living созниng ҳасрати нега бунча кўп? Тоғу даштда бир ўзи йиғлаб юрган одамларнинг ҳасрати жо бўлган-да! Дардининг исми тилига келмай, шу қув ёғочга икки тор боғлаб, дардини айтган – куйиб-ёнганини изҳор этган. Бировларга айтолмаган кўнглидаги гўзал туйғуларни шу тарзда баён этган. Дўмбира довруғ солмаган! У аслида шеърга ўхшайди – ёлғиз одамнинг ёлғизгина ноласи...

Бахшилар, бахшиларнинг суҳбатдошлари ўринларидан қўзғалиб, бизнинг давранинг атрофида келиб, тик турдилар.

Дўмбира изиллаяпти!.. Бирдан Қодир ака “ҳа-я”, дея фиғонли бир ҳайқириқда наъра тортди... ва бирдан айта бошлади.

Мен сўзнинг эшилиб келишидан, унга эш бўлган ноланинг оғриқли қочиримларидан, бахши оҳангининг мардона ҳайқириқларга мутаносиб ўртанишидан бир беўлчам ларзага тушдим! Бутун вужудиму руҳим бу устма-уст ҳайқириб оқаётган дарднинг қаршисида беҳимоя бир ҳолга кўчди. Инон-ихтиёрим кетган – беихтиёр инграшдан ўзимни зўрға тутиб турар эдим!

Одатда бахшилар айтаётганда кимдир далда берар – “Э, яшанг!”, “Ҳа!” деган хитоблар эшитилиб тургич эди. Аммо Қодир ака айтаётганда ҳамма жим – дунёда фақат шу мунгли ҳайқириқлардан мўъжиза яратаётган бахши қолган эди. Бизнинг берилиб, жонҳолат тинглаётганимизни сезган Қодир ака шу туришда бир соатлар айтди-ёв. Сўнг “Қолганини Худо берган кун эшитасизлар”, деб хотима қилди.

Мен у кишини нималардир деб мақтадим. Аммо Қодир ака гапимдан кўра бу мислсиз санъатдан юракка юққан юзу кўзимдаги ифодадан не кўйга тушганимни англаган бўлса керак, жуда оғир юкни елкасидан ошириб ташлаган паҳлавон монанд менга жилмайиб қаради:

– Қалай, Усмонбой?

Усмонбой эса бу дунёга қайта келган одамдай, вужудию руҳига ҳозиргина янграган сеҳрли мўъжиза бир умрга сингиб кетганини сезиб, ундан ҳеч қачон қутулолмаслигини билиб – ҳаволаниб, тўлиқиб турар эди.

– Э, ака!

“Таслимман” дегандай хитоб қилолдим, холос. Сўнг ўрнимдан туриб, бахшини бағримга босдим. Хайр-хўшлашиб кетар эканмиз, Қодир акани нега арслонга ўхшатганимни англадим. Унинг айтишида арслоннинг шиддати бор – бу одамдан ана шундай қудрат таралиб турар эди.

***

Қодир аканинг айтишидан қутулиб бўладими? Ўролбой билан ҳозиргина гувоҳ бўлганимиз буюк бахшидан ҳовлиқиб, тўлиқиб гаплашамиз! Эсимда қолган сатрларни учраган одамга – танишларга, ҳозиргина танишган биродарларга қайта-қайта айтаман, денг. “Бу қанақа одам, дейман ҳовлиқиб, юрагимни эзиб ташлади-я!”

...Маданият саройи ишқибозлар билан лиқ тўлган. Одамлар оралиқ йўлкаларда ҳам тик туришибди. Барча бирин-кетин саҳнага чиқаётган бахшиларни баъзан сомеликда, баъзан завқ билан эшитиб ўтирибди. Аммо Ўрол иккаламиз Қодир бахшининг чиқишини сабрсизлик билан кутамиз. Чунки ўша мўъжиза яна бир бор қайтарилишини истаймиз. Ичимда хавотир ҳам бор. Ахир, мўъжиза ҳар кун ҳам қайтарилавермайди-да... Э, Парвардигор! Ўзинг мадад бер!

Фольклоршунос олимлар ҳам кимнинг кимлигини жуда яхши билади. Танловнинг сўнгида Қодир акага навбат берилди. Ҳа, худди билганингиз концертлардагидай – зўр охирида чиқади! Қодир ака айта бошлади. Мен яна дунёни унутдим...

Биродарлар! Унинг бу айтишини тасвирлашга кучим етмайди. Одамлар бахшининг ҳолига тушиб, гоҳ осмону фалакка чиқади, гоҳ гурсиллаб қора ерга йиқилади! Қодир ака охирида Алпомишнинг Қултой қиёфасида тўйга кириб келганидан – Ойбарчин билан айтишувидан парча куйлади. Умуман, биз билганимиз мумтоз “Алпомиш” матнидан тамом ўзгача матн. Вазни ҳам ўзгача. Бахши энди зални гоҳ енгилгина кулдирадиган, гоҳ фожеали зил сатрлари билан “сийлай” бошлади. Бу алмашув ниҳоятда катта маҳоратни талаб қилади... Айтишувнинг бир жойида кўпчилик ёд билгучи сатрлар келиб қолди, денг...

*“Ой, Барчиним, ёр-ёр,*
*Гул Барчиним, ёр-ёр...*

Энди шундай кетса керак-да, ўйладим... Аммо ногоҳ икки қудратли сатр бахшининг тилидан кўчди:

*Саратоннинг гулидай*
*Сўл, Барчиним, ёр-ёр!”*

Ўпкам тўлиб, бирдан кўзимдан ёш келди. Э, Худойим! Бу қандай қарғиш! Саратонда даштдаги гулларнинг қандай қовжирашини тасаввур қилинг! Нақадар даҳшатли сўзлар! Нақадар гўзал ва фожеали – жонберар чегарада айтилган сатрлар! Юраклар дарвозасини шарт очиб кирадиган табиий оҳанг!.. Ўшанда бу сатрларни умрбод унутолмаслигимни англадим. Валломат Қодир ака! Валломат! Арслон!..

Қодир ака бу танловда биринчи ўринни олди.

***

Мен Тошкентга қайтиб кетмоқчи эдим. Ниятимдан қайтдим. Бу доҳиёна сатрлар яраладиган жойларни кўргим келиб қолди. Не-не бахшиларнинг юрагидан тўкилиб, тупроғига сингиб кетган дала-даштлару тоғларни оралаб, Бойсунга қараб кетгим келди.

Биз Шоберди бахши билан анча ҳаяллаб – эрталабдан буён ёғаётган ёмғир оралаганча, юрт тарафга жўнадик. Деҳқонободга бориб, Бойсунов деган бир яхши одамнинг уйига тўхтадик. Чой-пой ичганимиздан кейин мезбон, меҳмондорчилик дастурини эълон қилди. Хуллас, бу кеча қоладиган бўлибмиз. Кечқурун район раҳбарининг ўзи келар экан. У одам бахшиларнинг мухлиси экан. Бойсуновга “Қодир бахшини ҳам таклиф этсак, яхши бўлар эди”, деган эдим, у киши “Қодир бахшисиз ўтириш бўладима!” деб жавоб берди.

Мана, энди икки меҳмон ва мезбон юк машинасининг устида “Қайдасан, Қодир бахши”, деб кетяпмиз. Теварак кўм-кўк қирлару эндигина бошоқ ота бошлаган буғдойзор. Эзиб ёққан ёмғир баҳорнинг чиройини очиб юборган. Машина асфальт тугул, шағални тушида ҳам кўрмаган йўлдан уриниб-суриниб боряпти. Балонлар баъзан-баъзан бир жойда айланиб қолади. Машина ингиллаб, зўриқиб олдинга шилжийди. Буғдойзорнинг нариги бетида бир қишлоқ кўринади. Қодир аканинг эна қишлоғи шу экан. Етдик, деб турганимизда, машина бир балчиқ аралаш чуқурга тушиб, чиқолмай қолди.



Уринади – чиқолмайди, уринади – чиқолмайди... Баллонлар тутаб кетди! Охири тақдирга тан бердик. Бу ёғига ўтолмайди.

Аммо Қодир акасиз қайтиб кетишимизни ичимга сиғдиролмадим – шаҳари пойабзалимни ечдим, шимимнинг почасини шимирдим, буғдойзор оралаганча лой кечиб, нақ Қодир аканинг уйини мўлжаллаб жўнадим. Йигирма дақиқадан кейин бахшининг ҳовлисига рўбарў келдим. “Қодир ака”лаб овоз бера бошладим. Ҳовлининг ёнбошидаги уйнинг эшиги очилди. Ичкаридан Қодир ака – оппоқ иштон-кўйлакда, елкасига ола чопонни ташлаб – “укам”лаганча чиқиб келди. Икковимизнинг кўришишимизни бир кўрсангиз эди! Минг йиллик айрилиқдан кейин оға-инилар шундай кўришса керак!..

Бир фаслда отландик. Қодир аканинг “УАЗ”га ўхшаш машинаси бор экан. Лойга қоришган ўйдим-чуқурни писанд қилмай, пўртана денгиздаги қайиқдай ҳар томон урилиб, бетартиб чайқалиб, йўлга тушди. Буғдойзорни айланиб ўтиб, ҳамроҳларни ҳам машинага солиб, Деҳқонободга қайтдик.

Кечқурун район раҳбари келди. Норғулгина, қирқ ёшлардаги йигит экан. Айтишларича, кўпкариларда от чопган, ном чиқарган чопағон бўлган. Туманнинг бир четидаги “Қўнғирот” совхозига директорлик ҳам қилган. Энди кўтарилиб, Деҳқонободга келибди.

Шоберди қўшиғини бошлади. Раҳбарнинг қўлида кафтдаккина магнитафон миқ этмай, ёзиб ўтирибди. Бир вақт, пайт топиб, Қодир акага “Сиз ҳам айтинг”, дегандай имо қилди.

Энди Қодир ака бошлади. Мен яна бир ҳовуч ҳаяжонга айландим. Сўнгакларимгача зирқиради. Юрагим қовурғамга дам-бадам урилаётгандай. Нафасим етмайди... Қодир ака айтиб бўлганда қўлу оёқларим таранг тортилиб қолганини ҳис қиламан. Э, Парвардигор! Шу Қодир бахшини элга тортиқ қилган Парвардигор! Бунча караминг мўл! Мени шу мўъжиза бахши билан учраштирганингга минг шукур! Унинг ўтли нафасидан баҳраманд қилганингга минг қуллуқ!

***

Тошкентга келдим. Кимни учратсам, фақат Қодир акадан гапираман. Ўзимга сиғмай гапираман. Шоир дўстлар берилиб қулоқ соладилар. Менинг ҳаяжонимни тушунмоқчи бўладилар. Мен эсимда қолган сатрларни айтаман. “Зўр экан!” дейди улар. “Зўр-да, дейман авжланиб, зўр-да!”

Мен Қодир бахшидай улуғ бахшини ҳамма яхши кўришини, айтишидан бутун жаҳон лаззат олишини истайман. Оқибат, Ўрол Ўтаев билан маслаҳатлашиб, у кишини Тошкентга чақирадиган бўлдик. Шобердини ҳам бирга олиб келишини илтимос қилдик. Радиога эшиттириш, телевидениеда кўрсатув бўлади!

Энди бир гапни айтиб ўтай, у пайтларда дўмбирага муносабат тамом бошқача эди. Бу созни қозоқларга қўшқўллаб топширишган, Ўзбекистоннинг қарийб ярмини кўнглининг ифодаси бўлган бу созга, энг юмшоқ қилиб айтганда, беписанд қаралар эди. Кўришмагандан кейин, эшитишмагандан кейин шундай бўлади-да!

Тезлик билан режамизни амалга оширдик. Қодир ака билан Шоберди бахши етиб келишди. Аввал радиода магнит лентасига ёзадиган бўлдик. Радионинг катта студиясини олдик. Оператор хонасида беш-олти тушунадиганлар, режиссёр, овоз оператори уймалашиб, сабрсизлик билан бахшиларнинг тайёр бўлишини кутиб турибмиз...

Қодир акани микрофон қаршисига ўтқазиб, бахши қизишсин деб елкасига чопон ҳам ташладим. Қодир ака бошлади. Аввал “ҳайт”, деб ўлжасига ташланаётган арслондай бир наъра тортди. Сўнг айтди-ку! Оператор хонасидаги барча сурат бўлиб қолди. Фақат лаззатланиб, ҳайратланиб бош чайқашади. Бахшичиликни тушунмайдиганлар ҳам бирдан тушунди.

Бир ярим соатлик эшиттириш тайёрладим. Эшиттириш ҳеч эътирозсиз қабул қилинди. Қодир акага ким ҳам эътироз билдиролларди! Телевидениеда ҳам кўрсатув кетди. Бу эшиттириш ва кўрсатув ўша пайтда янгилик эди. Шу сабабдан жуда шовшув бўлди. Қаерга бормайин, мақтов гаплар ёғилди.

Менинг бошимда эса ҳамон Қодир аканинг айтиш оҳанглари айланади. Нимадир ёзгим келади. Аммо йўл тополмайман. Бир кун денг, бу йўл шундай рўбарўмдан чиқди. Парвардигорнинг хоҳиши билан, бирдан қандай ёзиш кераклигини англадим. Худди достонлардагидай насру назм аралаш... Бир-икки кунда беш олти-шеър ёзилди. Уйга келиб қолган Мирза Кенжабекка ўқиб бердим. “Яхши. Бу шеърларингиз бошқача бўлибди”, деди зукко укам. Кейинчалик бу туркум шеърларни “Бахшиёна” деб атадим ва улар янгилик сифатида қабул этилди. Бошқа шоирлар ҳам бу йўсин шеърлар ёза бошлади.

***

Қодир аканинг Тошкентга яна бир келиши эсимда. Уни уйга таклиф қилдик. Ёдкаш, аммо овози ниҳоятда гўзал бир ижрочи бахши билан келди. Бу пайтда Қодир бахшининг довруғи Тошкентда ҳам баланд эди. Унга эргашиб келган бир тўда шинавандалар – олимлар, ёзувчию шоирлар, рассомлар уйни тўлдирди. Уларнинг орасида машҳур адиб Шукур Холмирзаев ҳам бор эди. Меҳмонлар дивану стулларга сиғмай, гилам устига ҳам қатор-қатор бўлиб, зич ўтириб олишди...

Аввал Қодир аканинг ҳамроҳи айта бошлади. Сохталикдан асилни тез ажратадиган Шукур ака уни аллақандай беписандликда тинглади. Керакли-кераксиз жойда “ҳа-а”, “яшанг-э!” каби “далда” хитобларни айтиб турди. Бахши одобдан ҳам сал бехабар эканми, айтиб тугатгач, унга ҳурмат билан жой бўшатилгач, эркаланиб кетиб, диванга бор бўйича чўзилиб олди. Шу орада кимдир қайсидир бир кўй қандай ижро этилишини сўраб қолди. Ҳалиги бахши ётган жойидан дўмбирани қорнига қўйганча, нағманинг бошини чалиб, “минавума?” деб қолса бўладими? Шунда мен биринчи марта Қодир аканинг қаҳри келганини кўрдим:

– Ётиб чалма, – деди у босиқ бир ғазабда. – Дўмбиранинг обрўйи бор!..

Барча бирдан сергак тортди. У киши дўмбирани кескин бир ҳаракат билан ҳамроҳининг қўлидан олди.

– Усмон укам, желкамга чопонни тайла!

Сўнг дўмбирани қатъий бир ҳаракатда чала кетди. Даврадаги ҳар бир кишига бағишлаб бадиҳа – ҳазил тўртликлар айтишга киришди. Таниганининг отини қўшиб кетди, чалароқ билганининг касбини, билмаганининг кўринишидан бирор сифатни топиб айтди. Ҳалиги ноқулайлик кўтарилди. Шукур Холмирзаев ажибсиниб, бош қимирлатиб қўяди. Назаримда, у киши бадиҳага биринчи бор дуч келганди. Олифта адабий тилга кирмай қолган сўзларнинг қойилмақом қилиб ишлатилиши, талаффузи ҳам у кишининг эътиборини тортган бўлса керак.

Энди бахши “Алпомиш”га кўчди. Ана, Алпомиш юртига қайтиб келяпти. Қодир ака жўшди-ку! Шукур ака бирдан диққат-эътибор билан тинглай бошлади. Сўнг кўз ёшларини билдирмай артаётганига кўзим тушди. Кейин елкалари титраниб, бутун вужуди силкиниб, йиғлашга кўчди. Уйдагиларнинг барчаси ҳайрат ичида донг қотиб қолган эди...

Қодир ака айтиб тугатганда жимлик чўкади...

Шукур ака жимликни бузди:

– Ўлманг, отам... – кўз ёшини арта жилмайди у. – Йиғлатдингиз...

Мен Қодир акани кузатиб қўйдим.

Кўп қаватли уй олдидан юриб кетяпмиз.

Ўша пайтда “Бахшиёна” туркумидан бир шеър қўшиққа солинган – бутун мамлакат бу қўшиқни айтаётган эди.

– Укам, – деди Қодир ака, – Шу “Карвон”ингни баъзан-баъзан айтиб журсам бўлама?

Мен дарҳол рози бўлдим. Зотан, бахши акам кўнглимни бир кўтариш учун бу таклифни айтди деб ўйладим.

Яна бир беш-ўн қадам қўйганимиздан кейин бахши жилмайганча ўзига ўзи бир ярашиқ фахрия айтди:

– Шукурбойни бир йиғлатдикма, Усмонбой...

Қодир ака хоҳласа, тингловчини ҳар кўйга соладиган бахши эди.

Қодир бахши билан яна минг марта кўришадигандай хайрлашдим. Бу сўнгги учрашув эканлигини қайдан биламан?

***

Шукур ака Қодир бахшининг ашаддий мухлисига айланди.

Машҳур адиб билан февралнинг охирида Бойсунга борадиган бўлдик.

– Бойчечакни кўрмаганимизга ҳам анча бўлди, – дедим мен. – Бойсунга бормаймизми?

– Борамиз, – деди у бирдан жонланиб. – Деҳқонободга кириб, Қодир акани ҳам кўриб ўтамиз.

Ҳамроҳликка Рауф Парфини оладиган бўлдик.

Деҳқонобод кириб, чечамиздан бахшини сўрасак, тўйга кетганини, эрталардан келиб қолишини айтди. Биз Бойсундан фалон куни қайтишимизни билдириб, акамиз кутиб турсинлар, деб тайинлаганча жўнаб кетдик. Мен бу ваъдаларга кўп ишонмасам ҳам, қўшилиб қўя қолдим. Чунки рулдаман, йўл узоқ, ҳали замон кун ботади... Аммо жуда азиз тутадиганим бу икки даҳо ижодкорнинг феълини биламан-ку... Бойсунда авжлансалар, неча кун ўтганини ҳам билмай қоладилар.

Албатта, Бойсундан айтилган пайтда қайтмадик. Йўлда икки даҳога пўнғиллаб, ўзимча таъзирларини бериб келяпман, денг. Гап таъсир қиладими? Икковлари қотиб-қотиб кулади.

Деҳқонободга етиб, бахшининг уйига бурилдик.

– Акангиз укаларим келади деб икки кун кутиб ўтирдилар, – деди чечамиз. – Икки соатча олдин Бошчорбоққа тўйга кетдилар...

Ҳафсаларимиз пир бўлиб, орқага қайтдик.

Орадан икки-уч кун ўтгач, Қодир ака аварияга учраб, дунёдан ўтгани ҳақида хабар келди.

Ҳозиргача, биз ваъдалашган пайтимизда етиб келганимизда, Қодир ака омон қолармиди, деб ўйлайман. Ахир, воқеалар ривожи ўзгариб кетарди-да...

Қодир ака ўзи билан катта бир дунёни олиб кетди.

Қашқадарёлик бир фольклоршунос (адашмасам, фамилияси Қаҳҳоров) тахминан шундай деганини эшитган эдим: “Шоирлар ўтди, энди ижрочилар бахшилик чироғини ўчирмай турса бўлгани...”

Шоирлар ўтди...

Ҳозирги бахшилардан кўнглим тўлмайди.

Ахир, мен Қодир бахши Раҳимовнинг айтишини эшитганман!

**Манба: “Маънавият” журнали (2022 йил, 3-сон)дан қисқартириб олинди.**

## ТАҲРИРИЯТДАН:

**Туркий халқлар халқ оғзаки ижодининг афсонавий намояндаси Қодир бахши Раҳимов ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш борасида, афсуски, ҳамон оқсоқлик кузатиляпти. Ўтган йилнинг 28 апрелида Вазирлар Маҳкамасининг “Атоқли олимлар, маданият ва санъат соҳаси вакилларининг юбилей саналарини кенг нишонлаш ҳам улар фаолиятини тарғиб этиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 223-сонли қарорига кўра Қодир бахшининг 85 йиллиги 2022 йил май ойида ўтказилиши режалаштирилган эди. Бу тадбир кечиктирилди, шекилли, мана, орадан яна бир йил ўтди ҳамки, ушбу қарор ижроси ҳамон очиқлигича турибди.**

**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Телевидение ва радиоэшиттиришлар архив фондида эса Қодир бахши ҳаётлигида ижро этган бор-йўғи 28 дақиқа, яъни “Алпомиш” достонидан 23, “Келиной” достонидан 5 дақиқагина парчалар сақланган, холос. Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.**

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

**Бош муҳаррир**
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Актам ХАИТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАФОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА
Сирожиддин САЙЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ
Сардор МУСТАФОЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси $73^{А}$-уй.
электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru
*Телефонлар:*
*қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).*
*Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.*

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 545
**Адади: 21791**
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 00:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
9 772181 497009
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
**123456**

Навбатчи муҳаррир:
**Фаррух ЖАББОРОВ**